ЎТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 74 (305)

15 АПРЕЛЬ ЖУМА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

К. Е. Ворошилов Австрия Ҳукумат Делегациясини қабул қилди (1-нчи бет).

Австрия Ҳукумат Делегациясининг Москвада бўлиши муносабати блан В. М. Молотов ҳузурида қабул маросими (1-нчи бет).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони (1-нчи бет).

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 85 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН: З. Исамуҳамедов. — В. И. Ленин томонидан Коммунистик партия идеологик асосларининг ишлаб чиқилиши (2-нчи бет).

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ. Т. Пидаев. — «Қизил галстук» (2-нчи бет).

Чигит экишни тезда тугаллаб, уни биртекис уидириб олиш учун барча агротехника тадбирларини амалга оширайлик! К. Саримсоқов, А. Абдурайимов, Т. Орипов. — Бекободлилар мўл ҳосил учун астойдил курашишлари керак. Х. Холбеков. — Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун (3-нчи бет).

А. Каримжонов. — Аҳолига кўп ва юқори сифатли пойафзал етказиб берамиз (3-нчи бет).

Польша меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг 85 йиллигини нишонламоқдалар (4-нчи бет).

Совет денгизчилари швед балиқчиларини ҳалокатдан қутқардилар (4-нчи бет).

Ашула байрамига пухта тайёргарлик кўрайлик

Халқимиз ашулани севади. Улуғ Коммунистик партиямиз, жонажон ҳукуматимиз, она-Ватанимиз, мустаҳкам дўстлик, барқарор тинчлик, бахтли ёшлик, ҳалол меҳнат ва фаровон ҳаёт ҳақидаги кўпгина ашулалар кенг далаларда, кон ва яйловларда, саноат корхоналарининг улкан цехларида, студентлар ётоқхоналарида янграб эшитилади. Халқимиз ўз бахти-саодатини куйлаб, ашулани меҳнат ва юксалишда илҳомбахш мададкор деб билади. Ҳар йили май ойида республикамизда, шу жумладан областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ўтказилаётган Ашула байрамлари халқимизнинг маданий даражаси ва ма'навий савияси нақадар юксалиб бораётганлигидан ёрқин далолат беради.

Бу йил 15 майда яна традицион Ашула байрами ўтказилади. Халқ талантлари ўзларининг ижодий юксалишини яна бир марта намойиш қиладилар, оммавий кўшиқларни ижро этадилар.

Ўтган йили Ашула байрамида областимизнинг шаҳар ва қишлоқларидаги ҳаваскорлардан 47 минг киши қатнашди. Областьдаги 567 та балиий ҳаваскорлик тўгараги ўзининг янги репертуарларини кўрсатди, янги кўшиқлар ижро этилди. Ўтган бир йил ичида ҳаваскорлик тўгараклари янада мустаҳкамланиб, уларнинг сони анча кўпайди.

Октябрь районидаги Каганович номли ва Ўртасарой районидаги «Полярная звезда» колхозларининг ҳаваскорлари ўзларининг ижодий муваффақиятлари блан кенг жамоатчиликнинг ҳурматига сазовор бўлиб келмоқдалар. Оммавий кўшиқлар, лапарлар, янги музика асарлари бу тўгарак ижрочиларининг концерт программасидан кенг ўрин олган. Колхоз ҳаваскорлари бу йилги Ашула байрамига ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Пахтачиликни ривожлантириш, тинчлик ишини мустаҳкамлашга қаратилган махсус программалар тайёрланмоқда.

Тошкент шаҳар, Ленин районидаги «Қизил тонг» фабрикаси, Фрунзе районидаги тўқимачилик ва педагогика институтларининг ҳаваскорлари Ашула байрамида айтиладиган ашула текстларини қунт блан ўрганмоқдалар. Хор коллективларига тажрибали музикашунос-педагоглар ва театр институти ходимлари биркитилган.

Ашула байрамига бир ой қолди. Қолган вақт ичида репертуарда кўрсатилган ашула текстларини яхши ўрганиб олиш ва уларни оммавий равишда ижро этабилиш талаб этилади. Лекин ҳозир айрим жойлардаги тайёргарлик ишлари бу талабга мутлақо жавоб бераолмайди. Ўтган йили Ашула байрамида Бўка, Ховос, Бекобод ва Верхне-волинск районларидаги ҳаваскорлик тўгараклари актив қатнашмадилар. Бу районларда бу йил ҳам Ашула байрамига тайёргарлик ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ҳаваскорлик тўгаракларига малакали музикашунос раҳбарлар биркитилмаган. Ёш ҳаваскорлар қандай ашула ўрганишни билмайдилар ва коллектив бўлиб ашула айтишга жалб қилинмаганлар.

Бу йил Ашула байрамида Партиямиз, улуғ пойтахтимиз Москва ва серқуёш Ўзбекистонимиз ҳақидаги янги ашулалар ижро этилади. Ашулалар текстларини олиш ва уларни кўпайтириб ҳаваскорларга тарқатиш зарур. Шу блан бирга янги ашулаларни мунтазам ўрганиб боришни ташкил этиш ва ашулаларни пухта ўрганиш учун ҳаваскорларга ижодий ёрдам уюштириш лозим.

Ашула байрамларига тайёргарлик кўришда хор коллективларини ривожлантириш, балиий ҳаваскорлик тўгараклари ва кенг жамоатчиликнинг ашулага ва ашулачиларга ижодий ёрдам кўрсатишлари лозим.

Ашула байрам

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 85 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

В. И. Ленин томонидан Коммунистик партия идеологик асосларининг ишлаб чиқилиши

Маркс ва Энгельс улуғ ишларининг генкал давомчиси В. И. Ленининг рус ва жаҳон революцион ишчилар ҳаракати олдидаги буюк хизматларидан бири шундаки, у марксизм назариясининг асосий қоидаларига таяниб, янги тарихий шароитда, империализм даврида II Интернационал партияларидан тубдан, принципиал фарқланадиган, янги типдаги партияни, Россия пролетариатининг илғор, онгли, уюшган отрядини — Коммунистик партияни туздi. В. И. Ленин марксизмнинг барча туслаги душманларига қарши муросасиз шиддатли курашда, бу партиянинг идеологик, ташкилий, тактик ва назарий асосларини ишлаб чиқди ва уни тарбиялаб камолотга етказди.

В. И. Ленин ўзининг 1902 йилда босилиб чиққан «Нима қилмоқ керак?» деган асарида халқаро оппортунизмга ва унинг Россиядаги бир кўриниши бўлган «экономизм»нинг идеологик ҳамда назарий қарашларига қақшатғич зарба берди ва Коммунистик партиянинг идеологик асосларини доҳиёна ишлаб чиқди.

* * *

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида, капитализм ўзининг охирги, ўлиб боручи босқичи — империализмга кирган даврда халқаро революцион ҳаракатнинг маркази Европадан Россияга кўчиб ўтди. Тарих рус пролетариати олдига Европа реакциясининггина эмас, балки шу блан бирга, Осиё реакциясининг ҳам энг қудратли таянчи бўлган чор самодержавиеси ва капиталистик тузумни ағдариб ташлашдек энг муҳим ва улуғвор вазифани қўйди.

Бу вазифани бажариш, Россия ишчилар синфини чор самодержавиеси ва буржуазияга қарши курашга бошлаб боришга қодир бўлган, марказлашган, янги типдаги революцион партия тузишни талаб этар эди. РСДРПнинг 1898 йилда бўлиб ўтган I с'езди ана шундай партия тузиш йўлидаги биринчи уруниш бўлди. С'езд партия тузилганлигини э'лон қилган бўлса ҳам, амалда ҳали партия тузилмаган, унинг программаси ҳам, устави ҳам йўқ эди. С'езда сайланган Марказий Комитет эса қамоққа олинган эди. Бу ҳол Россия социал-демократиясида ғоявий парокандалик, ташкилий тарқоклик ва сиёсий иккиланишни янада кучайтириб юборди.

Агар 1884—1894 йиллар народникликни енгиш даври ва социал-демократияни ғоявий жиҳатдан тайёрлаш даври бўлган бўлса, 1894—1898 йиллар, гарчи муваффақиятсиз бўлса ҳам, айрим марксистик ташкилотлардан социал-демократик партия тузишга уриниш даври бўлган эди. 1898 йилдан кейинги давр партияда ғоявий ва ташкилий чалкашликларнинг кучайиш даври бўлди. Мамлакатда революцион ҳаракат тобора юксалиб, чоризмга қарши ғоят қудратли ижтимоий кучга айланаётган бир вақтда унга раҳбарлик қилучи социал-демократик ташкилотлар бу ҳаракатдан орқада қолаётган эди. В. И. Ленин айтганидек, социал-демократия раҳбарлари орасида бачкана амалиятчилик ва ўтакетган назарий беғамлик ҳукмрон эди. Партия ходимлари сафи марксизмнинг народниклар устидан ғалаба қозониши натижасида марксизмга вақтинча ёрдашган, я'ни қуқул легал марксистик адабиётдан та'лим олган ходимлар блан тўлиб кетган эди. Россия социал демократиясида вужудга келган оппортунистик оқим — «экономизм» ҳам ана шунинг натижасида келиб чиққан эди.

«Экономист»лар ишчилар синфининг чор самодержавиеси ва капитализмга қарши, ўз озодлиги учун, пролетариат диктатураси ва социализм ғалабаси учун олиб бориши лозим бўлган революцион сиёсий курашини рад этиб, инглиз тред-юнионлари сингари, ишчилар синфини хўжайинларга қарши фақат соф иқтисодий кураш олиб боришга да'ват қилдилар.

«Экономист»лар ишчиларнинг стихияли ҳаракатини ёқлаб, унга мадҳиялар ўқиб, бу ҳаракатга ташқаридан социалистик онг киритиш зарурлигини рад этдилар. Улар Россия пролетариатининг революцион сиёсий партиясини тузиш лозимлигини ҳам инкор қилиб, уни стихияли ҳаракатнинг думига айлантиришга қаратилган ғоят реакцион идеяни илгари сурдилар. Шу сабабдан дастлаб «экономизм»ни ғоявий жиҳатдан узил-кесил тор-мор келтириш ва маҳаллий социал-демократик ташкилотларни революцион марксизм байроғи остида бирлаштириш — рус марксистларининг ўша даврдаги энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолган эди.

Ленининг Россия ва халқаро ишчилар синфи олдидаги хизматларидан бири шундаки, у марксизмни ошкора ва яширин душманларнинг ҳамласидан сақлаб қолди ва ижодий тарзда ривожлантирди. В. И. Ленин рус «экономист»лари ва уларнинг Ғарбий Европа социал-демократик партияларидаги оппортунист шериклари-нинг синфий кураш назарияси ва пролетариат диктатураси идеясини бутунлай рад қилишга уринганликларини охиригачa аёвсиз фош қилиб ташлади. Шундай қилиб Ленин «экономизм»нинг илдизи бўлган халқаро оппортунизмга ҳам қақшатғич зарба берди.

В. И. Ленин қаттиқ туриб ҳимоя қилган ва илгари сурган буюк идеялар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, барча қардош коммунистик ва ишчи партияларининг жанговар фаолиятида яшамоқда. Бу идеялар коммунистик ва ишчи партияларининг империализм малайларига айланиб кетган ҳозирги замон ўнг социалистларига қарши олиб бораётган курашларида тантана қилмоқда. Ҳозирги замон ўнг социалистлари — Эттли, Мариссон, Спаак, Сарагатлар ишчилар синфининг сафини бузишга, уларнинг онгини ашаддий миллатчилик ва чиркин буржуа идеологияси блан заҳарлашга эўр бериб уринмоқдалар. Лекин улар қанчалик уринмасинлар, демократия ва социализм кучларини бўғаолмайдилар, аксинча империалистик реакциянинг ҳарқандай ҳуружларига қарамай, дунёдаги барча тараққийпарвар кучлар марксизм-ленинизм байроғи остида, улуғ пролетар интернационализми байроғи остида тобора кўпроқ жиплашмоқдалар. Тинчлик ва демократия тарафдорлари пролетариат ва унинг илғор, онгли, уюшган отряди бўлган коммунистик ва ишчи партиялари бошчилигида ғоят қудратли ижтимоий кучга айланмоқдалар.

В. И. Ленин пролетариат курашининг асосий шаклларини тўла-тўкис та'рифлаб берди. У ишчилар синфининг озодлиги учун олиб бориладиган сиёсий курашни иқтисодий ва назарий кураш блан бирга қўшиб олиб бориш ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини та'кидлаб, бунда сиёсий курашнинг ҳал қилучи роль ўйнашини алоҳида уқдириб ўтди. «...Синфларнинг энг муҳим, «асосий» манфаатлари, умуман, фақат туб **сиёсий** ўзгаришлар орқасидагина қондирилиши мумкин; хусусан эса, пролетариатнинг асосий иқтисодий манфаати буржуазия диктатураси ўрнига пролетариат диктатурасини ўрнатадиган сиёсий революция орқасидагина қондирилиши мумкин», — деб ёзди В. И. Ленин. (Асарлар, 5 том, 423 бет).

Жаҳон революцион ва ишчилар ҳаракатининг сўнгги ярим асрдан кўпроқ даврни ўз ичига олган тарихи бу та'лимотнинг ғоят тўғри ва ҳаётий эканлигини тасдиқлади.

В. И. Ленин ўзининг «Нима қилмоқ керак?» деган асарида ишчилар ҳаракати учун социалистик онгликнинг ролини ва революцион назариянинг аҳамиятини илмий равишда асослаб берди. Ленин «экономист»ларнинг ишчилар ҳаракатидаги стихиячилик «назария»сини қаттиқ танқид қилди.

В. И. Ленин «экономист»ларнинг ишчилар ҳаракатига социалистик онг, социалистик идеология четдан кириши мумкин эмас, у ишчиларнинг стихияли ҳаракатидан ўсиб чиқиши мумкин, деган асоссиз да'воларига ҳам қақшатғич зарба берди. Ленин, социалистик онг, социалистик идеология ва революцион назария стихияли ҳаракатдан келиб чиқмайди, балки пролетариатнинг синфий курашига ташқаридан киритилади, у илм ва фандан келиб чиқади, деб исботлади. Ленин айтганидек, илмий социализм та'лимоти мулкдор синфларнинг ўқимишли вакиллари, интеллигентлар ишлаб чиққан философик, тарихий, иқтисодий назариялардан ўсиб чиқди.

Марксизм та'лимотининг буюк голиб кучи шундаки, у ўзидан илгари инсоният томонидан яратилган билимларнинг мустаҳкам пойдеворига суянади. Бу та'лимот пролетариатни ўзининг қандай куч эканлигини билиб олишга, уни ўзининг буюк оламшумул-тарихий вазифасини, я'ни капиталистик тузумни ағдариш ва социалистик жамият қуриш вазифасини онглаб олишга ўргатади. Шу сабабдан Ленин социал-демократиянинг ўзи ишчилар ҳаракати учун социалистик онг, идеология ва революцион назарияни ишлаб чиқиши, уни пролетариат синфий курашига ташқаридан киритиши, ишчилар ҳаракатини илмий социализм блан бирга қўшиши лозим, деб та'лим берди.

Ленин идеологиянинг синфий характерини та'рифлаб, буржуа идеологияси блан социалистик идеология ўртасидаги кураш капиталистик жамиятдаги синфий курашни ифода этади, деб кўрсатди. Ма'лумки, капиталистик жамиятда социалистик идеологияга қараганда буржуа идеологияси кўпроқ кучга эга бўлади, чунки, буржуа идеологияси ҳукмрон синфнинг давлат ҳокимияти кучи блан мустаҳкамланиб, унинг барча идеологик йўллари блан тарқалади. Ўз-ўзидан равшанки, социалистик идеология ана шу буржуа идеологиясига қарши шиддатли курашда ўсади, чиниқади. Шунинг учун ҳам Ленин ўз асарида, социалистик идеологияни ҳарқандай камситиш буржуа идеологиясини кучайтириш демаклир, деб та'кидлади.

В. И. Ленининг Россия ва халқаро ишчилар синфи олдидаги жуда катта хизмати шундаки, у стихияли ишчилар ҳаракатига раҳбарлик қилучи ва уни революционлаштиручи куч бўлган революцион партиянинг, бу партия учун эса, назария ва онгликнинг аҳамиятини кўрсатиб, уни юксак босқичга кўтарди. Ленин большевизм тарихида биринчи бўлиб, «революцион назариясиз революцион ҳаракат ҳам бўлиши мумкин эмас... **Илғор назарияга амал қилучи партиягина илғор курашучи ролини бажараолади»,** деган марксистик қоидани ҳартарафлама асослаб берди. У, ўз асарида революцион назариянинг рус социал-демократияси учун қуйидаги уч сабабга кўра ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида уқдириб ўтди:

Биринчидан: социал-демократия ёндигина тузилаётган, ёндигина бир шаклга кириб, таркиб топаётган эди. Ҳали у революцион ҳаракатни тўғри йўлдан бориб юбориш ҳавфини туғдирадиган антимарксистик оқимларни бутунлай бартараф қилиб улгирмаган эди.

Иккинчидан: социал-демократик ҳаракат ўз моҳияти жиҳатидан халқаро ҳаракат бўлганлигидан жуда катта назарий ва сиёсий тажриба керак эди. Россияда буюк халқ революциясининг етилиб келаётганлиги ва унинг халқаро ҳарактери рус марксистларидан барча мамлакатлардаги революцион ҳаракат тажрибаларини умумлаштиришни, унга танқидий нуқтаи назардан қараб, уни қайта ишлаб чиқишни ва Россия шароитига ижодий суратда татбиқ этишни талаб қилар эди.

Учинчидан: Россия социал-демократияси олдида шундай буюк вазифалар турар эдики, бу вақтгача дунёдаги социалистик партияларнинг ҳечбири олдида бундай вазифалар турмаган эди. Социал-демократия рус ишчилар синфи етакчилигидаги халқ оммасининг чоризмни ағдариб ташлаш ва социализм қуриш йўлидаги буюк курашига раҳбарлик қилиши керак эди.

Мана шунинг учун ҳам Ленин, илғор назария блан қуролланган партиягина ишончи блан олга томон бориши ва меҳнаткашларни тўла ғалабага олиб келиши мумкин деб та'кидлади.

Революцион назариянинг негизи — жамият моддий ҳаётининг ривожланишида, ишчилар синфи ҳаракатининг эҳтиёжларидадир. Ма'лумки, революцион назария барча мамлакатлардаги ишчилар ҳаракатининг умумлаштириб олинган тажрибасидир. Фақат революцион практика блан маҳкам боғланган илғор назариягина ҳаракатга ишонч беради, кишини идроклi қилади ва теварак-атрофда бўлиб турган воқеаларнинг ички алоқасини англашга ёрдам бераолади. Марксизм-ленинизм назариясининг буюк голиб кучи шундаки, у жамият моддий ҳаётининг қонуниларини, унинг эҳтиёжларини тўғри акс этдиради. Назария блан практиканинг бирлиги марксизм-ленинизмнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Ленин, марксизм жиддий илмийликни революционлик блан бирлаштиради, деб та'кидлаган эди. Турмуш бу фикрнинг ғоят тўғри эканлигини тасдиқлади.

Революция генийси Ленин Коммунистик партиянинг идеологик асослари ва унинг сиёсий вазифаларини ишлаб чиқиш блан бирга, ана шу янги типдаги партияни тузиш планини, бу партиянинг ташкилий вазифаларини ҳам доҳиёна аниқлик блан асослаб берди.

Ма'лумки, В. И. Ленин 1901 йилнинг май ойида ёзилган «Нимадан бошламоқ керак?» деган машҳур мақоласидаёқ марксистик партия тузишнинг асосий планини чизиб берган эди. Ленин «Нима қилмоқ керак?» деган тарихий асарида бу планни конкретлаштириб, уни янада кенгайтирди. В. И. Ленин марксистик партия тузиш ишини революцион социал-демократиянинг назарияларини тарғиб қиладиган умумроссия жанговар сиёсий газетасини ташкил қилишдан бошламоқ керак, деб ҳисоблади. Чунки, бундай газета тарқоқ социал-демократик ташкилотларнинг ғоявий жиҳатдан ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам бирбутун партияга бирлашуви учун восита бўлади, деб та'кидлади. Дарҳақиқат, Ленин ташкил қилган умумроссия сиёсий газетаси — «Искра» пролетариатнинг янги типдаги революцион партиясини тузиш учун кураш, «экономист»ларни тор-мор келтиришда, тарқоқ ҳолдаги социал-демократик тўгаракларни бирлаштиришда, шунингдек, партия II с'ездини тайёрлашда ҳал қилучи роль ўйнади.

РСДРП II с'ездида Ленин ва ленинча «Искра» идеологик принципларининг ғалаба қилиши партиямиз ва революциямизнинг ривожи учун, жаҳон революцион ва ишчилар ҳаракатининг юксалиши учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Янги типдаги партия тўғрисидаги ленинча планнинг муваффақият блан амалга оширилиши натижасида мустаҳкам бирлашган ва чиниққан, дун'ёда тенги бўлмаган Коммунистик партиянинг пойдевори қурилди.

Ленин тузиб камолотга етказган бизнинг партиямиз пролетариатнинг барча душманларига қарши муросасиз курашда Россия ишчилар синфи блан деҳқонлар оммасини бирлаштириб, уни ўч революция оловидан олиб ўтди, помещик ва капиталистлар ҳокимиятини ағдариб ташлаб, пролетариат диктатураси ўрнатишни та'минлади. Мамлакатимизда улуғ Октябрь социалистик революцияси, сўнгра социализмнинг тарихий ғалабаси Коммунистик партиямиз идеологик, ташкилий, тактик ва назарий асосларининг тўла-тўкис тантана қилганлигини ёрқин намойиш қилиб кўрсатди.

* * *

В. И. Ленин томонидан Коммунистик партия идеологик асосларининг ишлаб чиқилганига ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Бу давр ишчилар синфи илғор идеологиясининг маш'ум буржуа идеологияси — ашаддий миллатчилик ва ирқчилик идеологияси устидан тарихий ғалаба қозонганлигини ёрқин намойиш қилиб кўрсатди.

Коммунистик партия ана шу илғор идеология блан қуролланганлиги туфайли халқимизни абадий бахт-саодат йўлига олиб чиқди, эндиликда уни партия XIX с'езди ва ҚПСС Марказий Комитети Пленумларининг социалистик Ватанимизни янада гуллаб-яшнатишга, унинг куч-қудратини янада мустаҳкамлашга қаратилган ғоят муҳим қарорларини бажариш учун сафарбар қилиб, коммунизмнинг нурли чўққилари томон бошлаб бормоқда. Бу вазифани бажариш учун, муваффақият блан коммунистик жамият қуриш учун идеология ишларини юксак босқичга кўтариш ва оммани коммунистик руҳда тарбиялаш зарур.

Коммунистик партия капитализмнинг кишилар онгидаги сарқитларига қарши, ленинча партиявийлик учун, бутун совет маданияти ва фанининг ғоявийлиги учун, ғоясизликка, буржуа об'ективизмига, миллатчилик қайфиятларининг барча кўринишларига қарши кескин кураш олиб бормоқда.

Бизнинг кадрларимиз ўз ғоявий-сиёсий билимларини ҳамиша ошириб борган вақтларидагина олға ҳаракат қилишлари, буржуа идеологиясининг сарқитларига қарши самарали кураш олиб боришлари мумкин. Фақат шундай бўлгандагина бизнинг кадрларимиз КПСС Марказий Комитети томонидан ҳозир халқимиз олдига қўйилган ғоят катта хўжалик ва сиёсий вазифаларни муваффақият блан ҳал этаоладилар.

Кишиликнинг улуғ генийлари Маркс—Энгельс — Ленин — Сталин бизга революцион назарияга догма сифатида қарамасликни, балки уни ҳаракат учун қўлланма деб билишни қайта-қайта уқдирган эдилар. Коммунистик партия ижодий тарзда ривожланиб бораётган марксизм-ленинизм фани блан қуролланганлиги учун халқимизнинг манфаатларини тўла ифода этадиган бирдан-бир тўғри сиёсатни оғишмай, изчиллик блан амалга оширмоқда.

Қардош Коммунистик партиялар КПСС-нинг шонли тарихи ва унинг социализм-коммунизм қуришдаги жуда бой тажрибаларини қунт блан ўрганмоқдалар. Гениал Ленин асос солган ва тарбиялаган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг идеологик, ташкилий, тактик ва назарий асослари барча коммунистик партиялар учун жанговар қўлланмадир. Буларнинг ҳамғаси ишчилар синфининг революцион идеологияси бўлган марксизм-ленинизмнинг ҳаётийлигини, унинг ғоят катта ўзгартиручилик, уюштручилик ва сафарбар этучилик кучга эга эканлигини кўрсатади.

З. ИСАМУҲАМЕДОВ.



Тошкент машина-экскаватор станциясининг экскаваторчилари Ўртасарой районидаги Сталин номли колхоз территориясида 6 километр узунликда канал қазимоқда. **Суратда:** кунлик топшириқни 150-160 процентга етказиб бажараётган экскаватор машинисти **Алексей Васильев.**

М. Шевелев фотоси.

Верхне-волинск районида

ЯСЛИ МУДИРЛАРИ УЧУН КУРС

Район марказида ясли мудирларининг малакасини ошириш бир ойлик курси ташкил қилинди. Ҳозир курсга ясли мудирларидан 15 хотин-қиз қатнашмоқда.

Улар тажрибали тарбиячиларнинг лекцияларини тингламоқдалар.

ХАВАСКОРЛАР ТЎГАРАГИДА

Аҳолига маданий хизмат қилиш мақсадида 25 кишидан иборат ҳаваскорлар тўгараги ташкил қилинди. Тўгаракка район маданият уйининг директори Ўртоқ И. Иброҳимов раҳбарлик қилмоқда. Тўгарак а'золари халқ чолғу асбоблари блан та'минланган. Улар дам олиш кунлари район аҳолисига концертлар қўйиб бермоқдалар.

КОЛХОЗЧИЛАР УЧУН КИНОЛЕКТОРИЙ

«Победа», Максим Горький номли колхоз правлениелари ва бошлангич партия ташкилотларининг ташаббуси блан колхозчилар учун кинолекторий уюштирилди. Кинолекторийда тажрибали давлат агрономлари агротехниканинг янги прогрессив методлари асосида чигитни квадрат-уялаб экиш ҳақида лекция ўқидилар. Лекциядан кейин колхозчиларга чигитни квадрат-уялаб экишнинг техникасини кўрсатучи кинофильм қўйиб берилди.

Бундай кинолекторийларни райондаги Андреев номли, Энгельс номли ва Калинин номли колхоз правлениелари ҳам уюштирдилар.

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

1-нчи МТС дирекцияси механизаторлар тўгрисида катта ғамхўрлик кўрсатмоқда, уларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун барча тадбирларни кўрмоқда. МТСда механизаторлар учун битта катта ошхона биноси қурилди. Ҳозир янгидан яна бир кутубхона биноси қурилмоқда.

КОЛХОЗ ТЕРРИТОРИЯСИ ОБОД БЎЛМОҚДА

«Красний октябрь» колхозининг а'золари қишлоқ хўжалик тормоқларини ҳартарафлама ривожлантириб, йилдан-йилга катта даромад олаётирлар. Колхозчилар ана шу даромадлар ҳисобига ўзлари учун тураржой бинолари қураётирлар.

Кейинги вақтларда колхоз территориясида бирқанча катта-кичик бинолар қурилди, йўл ёқаларига дарахт кўчатлари ўтказилди. Булар колхоз қишлоғининг ҳуснига-ҳусн қўшмоқда.

З. ОТАХОНОВ.

МАКТАБ ҲАЕТИ

Мактабларга раҳбарликни яхшилайлик

Партия XIX с'езди директивларида мамлакатимизда халқ маорифини ривожлантиришнинг муҳим тадбирлари белгилаб берилган. С'езд директивларининг моҳиятига тўла тушиниб етилган жойларда халқ маорифи органлари ва мактабларнинг коллективлари умумий мажбурий та'лим қонунини бажариш ҳамда ўқув-тарбия ишлари савиясини оширишда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Лекин областимизнинг ҳамма шаҳар ва районларида ҳам халқ маорифи ишларига лозим бўлган даражада раҳбарлик қилинаётир, мактабларда ўқув-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Буни Паркент райони мисолида кўриш мумкин.

Шу йил январь ойида бўлиб ўтган район партия конференциясида район мактабларида ўтган ўқув йилида ва шу ўқув йилининг биринчи ярмида йўл қўйилган жиддий камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Масалан, 1954—55 ўқув йилининг биринчи ярмида район мактабларидаги 5583 ўқучидан 119 ўқучи бир фандан, 918 ўқучи икки ва ундан ортиқ фандан ўзлаштирмаган. Айниқса, Карл Маркс номли мактаб (директори Ўртоқ Обидова)да ўзлаштириш жуда паст бўлди. Мактабларда ўзлаштиришнинг пасайиб кетишига кўпгина ўқучиларнинг кундалик дарс машғулотларига муттасил давом этмаётганликлари, отаоналар ўртасида педагогика пропагандасининг кучайтирилмаганлиги, айрим ўқитучиларнинг ўз билим-савиясини ошириш, педагогик малакасини такомиллаштириб бориш устида қунт блан ишламаётганликлари сабаб бўлмоқда.

Жумладан, Карл Маркс номли мактабда ўқув йили бошлангандан буён ўтган вақт ичида 91 ўқучи дарсларга қатнашмаган. Райондаги ошхона директори, коммунист Ўртоқ Ҳамдамовнинг ўғли 5 ой мобайнида мактабга бир кун ҳам келмаган. Шу мактабда ўқув йилининг биринчи ярмида 200 ўқучи турли фанлардан ўзлаштираолмаган. Мактаб ўқучиларидан бир қисмининг бозорда савдо-сотиқ ишлари блан шуғулланиб келаётганликлари мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Бундай кўнгилсиз фактларнинг рўй бериши тасодифий эмас. Мактабда бутун ўқув йили давомида бир мартагина ота-оналар комитетининг йиғилиши ўтказилган. Йиғилишда комитет а'золарига иш тақсим қилинди-ю, аммо ўқув-тарбия ишларига оид масалалар муҳокама қилинмади. Ўқув йилининг III чорагида ҳали мактабда катта камчиликларга йўл қўйилди, ўзлаштиришда яхши натижаларга эришилмади.

Мактабда ўқитиш ва тарбия беришнинг сифати даставвал ўқитучига боғлиқ. Лекин бу мактабда шундай ўқитучилар ҳам борки, улар совет педагогикасининг талабларига тўлиқ жавоб бераолмайдилар. Жумладан, ўқитучилардан И. Муродов, С. Умаров, Ҳасанов Ўртоқлар кундалик дарсларга пухта тайёргарлик блан кирмайдилар, ўз билим-савиялари ва методик малакаларини ошириш устида қунт блан ишламайдилар. Натижада улар дарсларни ҳозирги даврнинг муҳим вазифалари блан боғламасдан юзаки ўтаберадилар. Бу ҳол мактабда ўқув-тарбия ишларининг савиясига салбий та'сир кўрсатмоқда.

Райондаги айрим мактабларда ўқитучилар ма'лумот даражасига қараб синфларга тўғри тақсимланмаган. Бунга қуйидаги бир мисолни кўрсатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Молотов номли мактабнинг рус тили ўқитучиси Ўртоқ Болаченко Тошкент Педагогика институти сиртқи бўлимининг III курсида ўқигани ҳолда, X синфга дарс бермоқда. Фактлар шуни тасдиқлайдики, ўқитучи Болаченко дарс бераётган X синф ўқучилари рус тилидан жуда паст ўзлаштирмоқдалар. КИМ номли мактаб ўқитучиси Ўртоқ А. Дўстов эса ўз сиёсий савиясини ошириш устида мутлақо ишламайди, ҳаётимиздаги янгиликлардан орқада қолиб келади. У ҳатто СССР Олий Советининг иккинчи сессияси бўлиб ўтганидан ҳам хабардор эмас. Ахир, Дўстовга ўхшаган айрим қолоқ педагоглар ҳартарафлама мукаммал, пухта билим олишга интилаётган ёшларимизга қандай қилиб чуқур ва мустаҳкам билим бераолишлари мумкин?

Паркент районидаги чорва фермаларида мактабларнинг 9 та филиали бор. Уларда 200 га яқин бола ўқимоқда. Броқ, филиалларда ўқув-тарбия ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ворошилов номли мактаб директори Ўртоқ Х. Абдуллаев чорва фермасидаги филиалга йил мобайнида бир марта борган, холос. Киров номли мактаб директори Х. Алимов эса ўз мактабига қарашли филиалдаги ҳақиқий аҳволдан мутлақо хабардор эмас.

Паркент район халқ маорифи бўлимининг мудири Т. Икромов, инспектори С. Ҳисомиддинов Ўртоқлар жойлардаги аҳволни яхши билмайдилар, мактабларга конкрет ва оператив раҳбарлик қилиш ўрнига буйруқлар чиқариш, фармойишлар юбориш ҳамда ма'лумотлар тўплашдан нарига ўтмаётирлар.

Район партия ва совет ташкилотлари халқ маорифи бўлими ходимларининг фаолияти устидан назоратни кучайтиришлари, мавжуд камчиликларни тезда тугатишда уларга яқиндан ёрдам беришлари ва мактабларда ўқув-тарбия ишлари савиясини ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтариб, ўқув йилини муваффақиятли якунлашга эришишлари керак.

Ю. БАҲОДИРОВ.

Синфдан ташқари ишлар яхши йўлга қўйилган мактабда

Сталин районидаги 82-нчи ўрта мактабда синфдан ташқари олиб борилаётган ишлар яхши йўлга қўйилган. Мактабда 10 та ҳархил фан ва бадиий ҳаваскорлик тўгараги мунтазам равишда ишлаб турибди.

Ёш химиклар тўгарагининг иши айниқса диққатга сазовордир. Тўгарак а'золарининг «Парчаланиш реакцияси», «Кислород ва водород газларининг олиниши» каби темалар юзасидан тажриба асосида ўтказган суҳбатлари жуда қизиқарли бўлди. Яқинда 9 «а» синф ўқучилари «Ломоносов — улуғ рус олими ва ким'ёгари» деган темада конференция ўтказдилар. Ёш химиклар тўгарагида амалга оширилаётган бундай тадбирлар ўқучиларнинг дарсда олган назарий билимларини практик машғулотлар блан мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Шунингдек, ёш ўлкашунослар тўгарагида ҳам машғулотлар қизиқарли ўтказилмоқда. Тўгарак а'золари ўқитучи А. Шоалимов раҳбарлигида Урал, Кавказ тоғ тизмаларининг макетини, ерости вулқонларининг ер юзига отилиб чиқишини тасвирловчи экспонатларни чиройли қиляб ишлаганлар. Ўқучилар ясаган бу кўргазмали экспонатлар география кабинетига қўйилди ва ундан дарс процессида фойдаланилмоқда. Булардан ташқари, бадиий ҳаваскорлик, гимнастика, волейбол, баскетбол тўгаракларида ҳам машғулотлар мунтазам давом этмоқда.

Мактаб ўқучилари ўртасида интизомни янада мустаҳкамлаш мақсадида синфлар бўйича ҳафтада бир марта «тарбиявий соатлар» ташкил қилинган. Бунда ўқучилар синф раҳбари блан биргаликда бир ҳафталик ўқиш натижаларини муҳокама қиладилар ҳамда турли темаларда суҳбатлар ўтказадилар. Мактабда ўқучиларнинг навбатчилиги ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши мактабда ички режим ўрнатиш, ўқучилар интизомини мустаҳкамлаш ва ўқув-тарбия ишлари савиясини кўтаришда ижобий натижалар бермоқда.

Э. ҚОДИРОВ.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

„Қизил галстук“

Шоир Рамз Бобожон ёш китобхонларимизга «Қизил галстук» номли янги поэмасини тақдим этди. Поэмада пионерлик шарафи, пионерлик бурчи темаси акс этдирилган.

Поэмада мактаб ҳаётидан олинган кичик бир ҳаётий воқеа тасвирланади. Автор интизомсизлик, коллективни менсимаслик, манманлик, мақтанчоқлик каби ёмон одатларга берилган, «икки» баҳолари блан пионерлик шарафига, звеносига доғ тушираётган Турғун блан унинг синфдошлари — пионерлар коллективи ўртасидаги конфликтни тасвирлаш орқали совет мактаби ўқучисининг ма'навий қиёфаси қандай бўлиши кераклигини кўрсатишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган.

А'лочи, меҳрибон дўст, софдил, актив ва меҳнатсевар Назми образида биз пионер деган шарафли номни юксак тутучи, чинакам ма'навий фазилатларга эга бўлган совет ўқучисининг қиёфасини кўрамиз. Шоир Назминнинг характерига хос хусусиятларни, унинг ўқишга, меҳнатга, дўстларига бўлган муносабатларида очиб беради.

Ўз синфдоши Турғуннинг пионерга хос бўлмаган хулқи — дарсларни ташлаб кетиши, ёмон ўқиши, коллективни менсимаслиги ва бу блан звеносининг обрўсини тўкиши Назмини қаттиқ ташвишлантиради, ранжитади. Назми бу ҳақда ўқитучи Аҳмедов блан гаплашади.

Назми бошлиқ сезгир ва ақил пионерлар коллективи Турғунни тарбиялаш учун курашадилар, уни қолоқликдан чиқарадилар. Поэма охирида китобхон Турғунни камтар, ростгўй, меҳнатсевар, дўстларини, ўқишини, жонажон мактабини севучи пионерлар сафида кўради.

Шоир поэмада ўқучилар ҳаётига оид бўлган воқеаларни, картиналарни бериш блан чекланиб қолмайди, балки унда қишлоқларда совет даврида вужудга келган янгиликларни, колхозчиларнинг озод меҳнатини, гўзал табиат манзараларини тараннум этучи картиналарни усталик блан боғлаб кетади. Бу бир томондан тасвирлаётган воқиани тўлдиради, унга табиий, ҳаётий тус беради. Иккинчи томондан эса, асар қаҳрамонларида меҳнатга, жонажон қишлоғига муҳаббат туйғуларини уйготади.

Р. Бобожон поэманинг тили устида анча қунт блан ишлаган. Асар оригинал бадиий тасвир воситаларига, образли ифодаларга бой. Масалан:

Турғун китоб ўқирди боғда
Дарсларини тайёрларди шод,
Ба'зан чарчаб дам олган чоғда
Хаёллари қоқарди қанот.

«Қизил галстук» поэмасида камчиликлар ҳам учрайди. Дастлабки жиддий камчилик шуки, поэмада Турғун ва коллектив ўртасидаги конфликт унча ишонарли ва атрофлича кўрсатилмаган.

Авторнинг айтишича, Турғуннинг хулқини муҳокама қилиш учун тўпланган звено йиғилишида Турғун синфдошлари томонидан берилган маслаҳатларни менсимайди, у мақтанчоқлик қилиб:

— Менга ортиқча билим керак эмас, шу билимим блан ҳам колхозда трактор ҳайдайоламан, руль буришни билсанг бас, трактор ғуруллаб юриб кетади, — дейди. Дам олиш куни Турғун Ўртоқлари блан МТС мастерсойига экскурсияга борганда болалар кинояларини блан: Турғун, қани тракторни бир юргузиб юборчи, кўрайлик, дейишади. Турғун рульни ўнгга, сўлга бурайди. Броқ трактор ўрнидан силжимайди. Шундан сўнг у дўстлари ва МТС механиги олдида хижолат тортади. Физика дарсидан қочиб кетганлигига ачинади. У бирқанча вақттача хафа бўлиб юради, мақтанчоқлик, манманлик, алдамчилик, интизомсизликни ташлайди ва ўз қилмишларидан хафа бўлиб Назмидан узр сўрайди:

— Кечир Назми, кечирсин дўстлар!
Бекор хафа бўлибман сиздан,
Ўз хатомни англадим энди,
Тузатаман хатони тездан.

Шу блан Турғун пионерлик бурчини, шарафини оқлашга ва'да беради. Автор унинг хиссиётларини, ички кечирмаларини, хатоларини тузатиш учун қилган ишларини етарли очиб бермайди.

Асарда ота-онанинг ўз ўғли Турғунга муносабати кўрсатилмаган. Болага асосан унинг ота-онаси ва педагоглар коллективи тарбия беради. Совет мактаби ота-оналар коллективи блан мустаҳкам боғланғандир. Рамз Бобожон ўз поэмасида бу боғланишни пазар-э'тибордан четда қолдирган. Автор Турғуннинг ота-онасига ўз муносабатини кўрсатиши зарур эди. Китобхон поэмани ўқир экан, комсомол ташкилотининг пионер ташкилоти устидан раҳбарлик қилишини, ҳатто отряд вожатийси ёки дружина совети раисининг фаолиятини, уларнинг звеноларга қандай раҳбарлик қилаётганини мутлақо кўрмайди. Бу камчилик авторнинг пионерлар ҳаётини, пионер ташкилоти ишини чуқурроқ ўрганмаганлигининг оқибатидир.

Поэманинг тили умуман яхши чиққанлигига қарамай, унда ғализ иборалар, ўз ўрнида ишлатилмаган сўзлар, қайтариқлар учраб туради.

Масалан:

Майли, бўлсин ҳар ишга ҳавас,
Лекин, дарсдан кейин ё'тибор!

ёки:

Тракторни ҳайдолмайманми?
Бунга ҳавас менда беқўст-кам!

Юқоридаги мисра'лардаги жумлалар грамматик жиҳатдан ғализ тузилган. Ёш китобхонга тақдим этиладиган бадиий асар бундай ноаниқ, ғализ жумлалар, ўринсиз қайтариқлардан холи бўлиши керак.

Юқоридаги камчиликлардан қат'ий назар Рамз Бобожоннинг «Қизил галстук» поэмаси ўзбек совет болалар поэзиясида кейинги йилларда яратилган дуруст асарлардан бири ҳисобланади.

Т. ПИДАЕВ,
МГУ аспиранти.

Р. Бобожон «Қизил галстук», поэма. Ўздавнашр, 1954 йил. Редактер И. Муслим.

Чигит экишни тезда тугаллаб, уни биртекис ундириб олиш учун барча агротехника тадбирларини амалга оширайлик!

☆

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Далаларни қатқалоқ босишига йўл қўймайлик

Чигитни экиб бўлгач, уни тез ва бехато ундириб олиш энг асосий вазифалардан биридир. Бу шартни бажаришда илғор пахтакорлар кўпгина тадбирларни амалга оширадилар. Чигит экилган қаторлар синчиклаб текширилади ва экилмай кетган жойларга қўл блан қўшимча чигит экилади.

Баҳор фаслида ёғингарчиликнинг тез-тез бўлиб туриши табиий бир ҳолдир. Ёғингарчилик қанча кўп бўлса ернинг бет қавати лойланиб, натижада у қурийди ва қатқалоққа айланади. Агар қатқалоқ ўз вақтида юмшатилмаса, чигитнинг униб чиқиши бирнеча кунга кечикиб кетади.

Чиноз районидаги Ленин номли, Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли, Оржоникидзе районидаги Пушкин номли колхозларнинг меҳнатсевар пахтакорлари чигитни бехато ундириб олиш тадбирларини ўз вақтида амалга ошираётганликлари учун ҳарбир гектарда белгиланган миқдорда ғўза туплари бўлишига эришмоқдалар. Бу илғор колхозлар ҳар йили ҳам қатқалоққа қарши курашни ўз вақтида ўтказиш учун олдиндан тайёргарлик кўрадилар. Қатқалоққа карши курашиш учун бороналар, зиг-заг бороналари тайёрланиб қўйилади. Бригада бошлиқлари ёғингарчилик тўхтагач ер етилиши блан қаторларни юмшатиш юзасидан зарур тадбирларни дарҳол амалга оширадилар.

Чигитни текис ундириб олишда асосий шартлардан бири бўлган қатқалоққа қарши кураш айрим районларда ҳар йили ҳам қониқарсиз ўтказилаётгани ҳосилни оширишга салбий та'сир кўрсатмоқда. Бекобод районидаги Киров номли, Янгийўл районидаги Молотов номли, Верхне-волинск районидаги Свердлов номли колхозларнинг правлениелари қатқалоқни ўз вақтида йўқотиш соҳасидаги ишларни доим пайсалга соладилар. Натижада ёғингарчиликдан кейин пайдо бўлган қатқалоқ қуриб қолиб, энди униб келаётган чигитнинг тезроқ униб чиқишини секинлаштиради, айрим қаторларда унабошлаган мурғак ғўзани эзиб, заифлаштиради.

Ҳозир областимизда жуда катта майдонларга чигит экиб бўлинди. Шундан кейин икки кун давомида бўлган ёғингарчилик ер бетини бирмунча чуқурликда намлади. Агар чигит экилган далалар етилиши блан қатқалоғи юмшатилмаса шу вақтгача қилинган ишларимизнинг натижаси унча яхши бўлмайди, чигитнинг униши кечикиб кетади.

Колхозларнинг правлениелари, МТСларнинг директорлари ва совхозларнинг коллективлари шу кундан бошлаб қатқалоққа қарши тадбирларни амалга оширишлари, бу соҳадаги камчиликларни тезда бартараф қилиб бороналаш ва қатқалоққа қарши кураш воситаларини тайёрлаб қўйишлари керак. Ер бетини қатқалоқ босмаслиги учун қаторларга чиритилган маҳаллий ўғит солиш ҳам жуда зарур. Бу ишларни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажариш барча колхозчилар, совхоз ишчиларининг муҳим вазифасидир.

Ишни шундай ташкил қилайликки, ерларимизни қатқалоқ босишига йўл қўйилмасин. Ҳарбир бригада ва звенода ернинг ўтиб кетмаслиги учун қатқалоққа қарши кураш намунали ушлатирилсин.

Юқоричирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозида уруғлик канап экиш тугалланди. Ҳозир колхозчилар пояси учун етиштириладиган канап экишни бошлаб юбордилар. **Суратда:** трактор чи **М. Тожихонов** ва сеялкачи **М. Тўлаев** ўртоқлар колхознинг 7-нчи бригадасида канап экмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун

Чигитни барвақт экиш, уни ернинг ўз намида бир текисда ундириб олиш ҳамда ҳарбир гектар ерда белгиланган миқдорда кўчат бўлишини та'минлаш пахта ҳосилини оширишда энг муҳим агротехника тадбирларидан биридир. Буни биз ўз тажрибамизда кўрдик.

Колхозимиз а'золари бу йил 510 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Колхозимизда бу мажбуриятни шараф блан бажариш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Чигит экиладиган ҳамма еримиз ўғитланиб, кузда шудгор қилинган эди. Далага 6700 тонна маҳаллий ўғит чиқардик. Давлатдан берилган минерал ўғитларни ташиб олдик.

Биз колхозимизда чигит экишни бошлашдан олдин колхозчиларнинг умумий йиғилишини ўтказдик. Унга колхозимиздаги механизаторларни ҳамда кекса пахтакорларни ҳам таклиф этдик. Йиғилишда колхозимизда чигитни 10—12 иш куни ичида сифатли қилиб экиб олиш ҳамда уни ердан бир текисда ундириб олиш тадбирларини белгиладик. Бу ҳақда механизаторларимиз ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қорабойота Султонов бошлиқ кекса пахтакорларимиз ҳам қимматли маслаҳатлар бердилар. Йиғилишда, колхознинг ма'мурий ишлари блан банд бўлган колхозчиларнинг бир қисми пахтачилик бригадаларида ишлашга юборилди.

Шундай қилиб биз бу йил чигит экишни ўтган йилдагидан анча илгари тугалладик. Колхозимиз а'золари бу йил пахта ҳосилини ўтган йилдагига нисбатан гектарига 10 центнердан ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Колхозимизда 245 гектар ерга торқаторлаб чигит экдик. Ўртоқ Мирзаахмад Тоҳматов бошлиқ бригада а'золари ғайрат блан меҳнат қилиб, чигит экишни биринчилар қаторида тугалладилар. Ҳозир бригаданинг айрим ерларида дастлабки экилган чигитлар бир текис униб чиқабошлади.

Колхозимиз а'золари ва механизаторларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳарқачонгидан яхшиланди. Бу ишларда колхоз партия ташкилоти (секретари ўртоқ М. Ўлмасов) яхши раҳбарлик қилиб, ҳамма бригадаларга коммунистлардан агитаторлар бириктирди. Улар кундалик газеталар ва журналлар блан та'мин этилганлар. 2-нчи бригадага бириктирилган агитатор З. Жамолов, 3-нчи бригада агитатори У. Абдуллаев ўртоқлар колхозчилар ўртасида яхши ишламоқдалар. Улар колхозчиларнинг дам олиш пайтларида газеталар ўқиб берадилар, турли темада суҳбатлар ўтказадилар ва илғорлар тажрибасини ўртоқлашадилар.

Биз тракторларнинг ёнилғиси тугаб, ернинг ўртасида ортиқча туриб қолмаслиги ёки ёқилги учун 1,5—2 километр ерга келиб овора бўлмаслиги учун МТСдан ёқилғи ташиб келтирадиган транспортдан ташқари яна битта маҳсус арава ажратган эдик. Бу тадбир экиш кунларида яхши натижа берди.

1-нчи МТСнинг раҳбарлари колхозимизни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш учун жуда катта ёрдам бермоқда. МТС яқинда колхозимиздаги трактор бригадасига доимий ёрдам бериш учун механик ўртоқ Эргаш Йўлдошевни юборди.

Бу универсалчиларнинг иш унумини оширишга катта ёрдам берди. Универсалчи П. Гараев, А. Абдазизов ўртоқлар бирбирлари блан мусобақалашиб, ҳар куни 11—12 гектардан ерга сифатли қилиб чигит экиб бердилар.

Биз ҳамма имкониятларни ишга солиб, колхозимизда пахта ҳосилини ошириш учун ғайрат блан курашамиз.

Х. ХОЛБЕКОВ.

Ўртачирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси.

Чигитни ялпи ундириб олиш учун курашмоқдалар

ОРЖОНИКИДЗЕ (ЎзТАГ). Пушкин номли колхоз Оржоникидзе районида биринчи бўлиб чигит экишни тамомлади. Ҳамма майдоннинг ярмида чигит униб чиқди.

Колхозчилар ҳамма участкаларда чигитни ялпи ундириб олиш учун курашни қизитиб юбормоқдалар. Қатқалоқни тугатиш учун культиваторлар ва бошқа асбоблар тахт қилиб қўйилди. Ҳар бригадада қўл блан ва от қўшиб ишлатиладиган «гвоздевкалар» тайёрланди.

Об-ҳаво бузилган кунларда ғўзаларни химоя қилиш учун колхоз а'золари далаларга похол, қуриқ ғўнг чиқармоқдалар.

☆ ☆ ☆

Бекободлилар мўл ҳосил учун астойдил курашишлари керак

МЕХАНИЗАТОРЛАР БЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Универсалчи Собиржон Охунов бошқараётган экиш агрегатининг а'золари янги касбни дала иши бошлангунча қунт блан ўргандилар. Сеялкачи Ҳамид Жўраев, лебедкачи Ботир Мустафоқулов, Ҳамидулла Бозорбоев, Усмон Холмуродов ва бошқа ўртоқлар тажриба участкасида бирнеча кун узлуксиз машқ қилдилар. МТС агрономи ўртоқ Усмонбеков экиш агрегати а'золарининг бу машқларига бошчилик қилди.

Экиш агрегати а'золарининг иш бошлангунча қилган машқлари ўз самарасини кўрсатди. Экишнинг дастлабки кунлариданоқ агрегат белгиланган нормаларни бажариш учун курашди. Биринчи кунлари экилган ер 4—5 гектардан ошмади. Кун ўтган сари янги усулда ишлаш малакаси ортаборди. Шундан кейин режа симларини тортиш, квадратларни тўғрилаш учун сарф қилинадиган вақт камайиб борди. Натижада экиш агрегати а'золари учинчи кунларда 8—9 гектардан чигит экабошладилар.

6 апрель куни универсалчи Собиржон Охунов далага ҳаммадан аввал келди. Агрегат эрта тонгдаёқ ишга тушди. Текис, яхши ишланган катта картада «универсал» тинимсиз ишлади. Тушки овқатланиш ҳам далада, иш бошида ўтказилди. Шу куни 12 гектар майдонга 60Х45 схемаси блан чигит экилипти.

Бекобод 1-нчи МТСига қарашли 3-нчи экиш агрегати Маленков номли колхоз далаларида шундай муваффақият блан ишламоқда.

Агрегат а'золарини колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Абдуллаев хуш хабар блан хурсанд қилди. Дам олиш пайтида йиғилган колхозчилар ўртасида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Собиржон Охунов бошлиқ экиш агрегати а'золарини Фахрий ёрлиқ блан мукофотлаш тўғрисидаги Фармони ўқиб берилди.

Механизаторлар блан пахтакорларнинг ҳамкорликда ишлаб, янги, прогрессив усулларни амалга татбиқ қилишда яхши натижаларга эришаётганликларини райондаги бошқа колхозларда ҳам учратдик. Шу МТС зонасидаги Дзержинский номли гигант колхоз даласида 7 трактор бригадаси ишлайди.

Бу катта пахтакор колхоз а'золари ўтган йилги хатоларни тажрорламаслик, чигитни тез ва сифатли экиш учун айниқса квадрат-уялаб чигит экишни муваффақиятли ўтказиш учун ҳамма моддий-техника воситаларни сафарбар қилдилар. Колхозда чигит экиш юзасидан белгиланган топшириқлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ҳозиргача 4 участкада чигит экиш тугалланди. Шу жумладан 285 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилди.

2-нчи МТС зонасидаги Ленин номли колхоз 728 гектар майдонга чигит экишни муваффақиятли тугаллади. Бу колхозда ҳам квадрат-уялаб чигит экиш яхши ташкил қилинди. Бу илғор колхозларда техникадан унумли фойдаланишда механизатор кадрлар блан колхозчиларнинг чиначкам ҳамкорлигини кўрдик.

ҚОЛОҚ КОЛХОЗЛАРГА Э'ТИБОР БЕРИЛМАЁТИР

Бекобод районидаги иккала МТС зонасида ҳам қолоқ ва камҳосилли колхозлар бор. Булар орасида қардош Тожикистон ССР Ленинобод областининг Нов районидаги Сталин номли колхозга қўшни бўлган Киров номли колхоз 1-нчи МТС зонасидаги колхозлар орасида жамоат хўжалиги яхши ривожланмаган, қолоқ қишлоқ хўжалик артелидир. Бу колхознинг ер-сув шароити ва бошқа ресурслари Нов районидаги Сталин номли колхоздан жуда кам фарқ қилади. Икки қардош республикага қарашли колхозлар чегарасини бирнеча суғориш тармоқлари ажратиб турипти, холос. Лекин олинаётган ҳосилда катта фарқ бор. Тожикистонли пахтакорлар ўтган йили ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта ҳосили етиштирганлари ҳолда, Киров номли колхозда етиштирилган пахта 10—15 центнердан ортмади.

Бу аҳволнинг асосий сабаби кўклам дала ишларининг пала-партиш ўтказилишида, агротехниканинг бузилишидадир. Колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Маҳкамов бу колхозда ишчи кучи камлигидан нолийди, меҳнатни ташкил қилишда эса оддий тартибларга ҳам риоя қилинмайди. Биз бўлган бригадаларда чигит яхши ишламаган ерларга экилмоқда МТС агрономи ўртоқ Эргаш Турсунбоев бу қолоқ колхозда пахта ҳосилини ошириш соҳасида чиначкам ташкилотчилик қилаётгани йўқ. Бу йил кўклам дала ишларида йўл қўйилаётган энг жиддий хаталардан бири — колхозда чигитни квадрат-уялаб экиш планининг берилмаганидир. Бу соҳада 1-нчи МТС раҳбарлари «осонроқ» йўлни топибдилар. МТС директори Икромов ва бош агрономи Дорофеев ўртоқлар квадрат-уялаб экиш планини 3 та илғор колхозга жойлаштириб, бошқа колхозларни, айниқса қолоқ колхозларни э'тибордан четда қолдиришгилар.

Колхозда чигит экиш ҳамон судралиб боряётир. Торқаторлаб чигит экадиган 3 та «универсал» бор. Булардан тўла фойдаланилмаётир. Апрель ойининг биринчи бешкунлигида 3 сеялка блан фақат 22 гектар ерга чигит экилган, 2 та сеялка бутунлай ишламай, тўхтатиб қўйилган.

2-нчи МТС зонасидаги колхозларда ҳам дала ишларининг ҳаддан ташқари уюшқоқсизлик блан боряётганлигини кўрдик. МТС директори ўртоқ Омон Ҳасанов дала ишига биркитилган техника воситаларининг узлуксиз ишлашига бефарқ қараб келмоқда. Бу МТС зонасидаги Будённий номли ва «Социализм» колхозларида ишлаётган трактор парки графикларни системали бажармай келмоқда. Бу колхозларда тракторлар тез-тез бузилиб, бекор туриб қолмоқда. «Социализм» колхозида 2 ҳайдов трактори 25 кундан буён бузилиб ётипти, буни тузатиш учун ҳеч қандай чоралар кўрилмаган.

Шуни ҳам алоҳида та'кидлаш керакки, МТС ходимлари орасида мустаҳкам меҳнат интизоми ўрнатилмаган. Тракторчиларнинг самарали ишлашлари учун шароит яратиб берилмаётир. Натижада меҳнат унуми пасайиб кетмоқда.

Бекобод районидаги колхозларда чигит экишни қисқа муддатда тугаллаш блан бирга мавжуд техникани ғўза парваришига мослаб тайёрлаш керак. Лекин биз бўлган МТСларда бу ишга яхши тайёргарлик кўрилмаётганлигини аниқладик. 1-нчи МТС паркидаги культиваторлар учун камида 1300 дона наральник керак, лекин МТСда бирор дона ҳам наральник йўқ.

Шуни ҳам айтиш керакки, область қишлоқ хўжалик бошқармаси ва «Сельхозснаб» раҳбарлари Бекобод районидаги МТСларни зарур запас қисмлар блан та'минлашда қат'ий тартиб ўрнатмай келадилар. МТСлар талаб қиладиган запас қисмлар «Сельхозснаб» Бекобод конторасининг складларида топилмайди. 200 — 300 килограмм юк учун Тошкентга махсус машина юборилади.

ЧИГИТ ЭКИЛДИ-Ю, ИШ БИТДИМИ?

Биз борган колхозларнинг чигит экилган пайкалларида бирорта колхозчининг ишлаётганлигини кўрмадик. Уқ-ариқлар экилмаган, ер четлари қолиб кетган, қатто чигит экишда илғор бўлган колхозларда ҳам ҳарбир гектар ерда ғўза туплари нинг тўла бўлиш тадбирлари кўрилмаётир.

2-нчи МТС зонасидаги «Социализм» колхозида 500 гектардан ошиқ майдонга чигит экилганига 10 кундан ошиб қолган, лекин бирор пайкалда чала ерларга чигит экиб олинмаган. Бундай аҳволни 1-нчи МТС зонасидаги Мичурин номли, «Большевик» колхозларида ҳам учратдик.

Чиринди тувакчаларда ғўза кўчатларини тайёрлаш жуда муҳим агротехника тадбиридир. Очиқ майдонда ҳамда махсус тайёрланган жойларда ғўза кўчатлари етиштирилиши керак. Бу соҳада ҳам иккала МТС зонасидаги колхозларга алоҳида планлар берилган, лекин бу иш ҳаммаининг э'тиборидан четда қолмоқда.

Чигит экилиши блан ҳамма ишни бажардик, деб хотиржам бўлиш ярамайди. Ҳамма майдонда чигит тўла ундириб олинишини, ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлиши та'мин этилгандагина чигит экиш тугалланди деб ҳисобланади.

Бекобод районидаги колхозларда кўклам дала ишларининг боришида рўй бераётган юқоридаги каби нуқсонлар мўл ҳосил етиштиришга жиддий зиён келтиради. Чигит экишни қисқа муддатда тугаллаш блан ҳарбир гектар ерда белгиланган миқдорда ғўза туплари бўлишини та'минлаш тадбирларини кўриш керак.

К. САРИМСОКОВ,
А. АБДУРАЙИМОВ,
Т. ОРИПОВ.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Коммунист» газеталарининг рейд бригадаси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Минбардан эшитилган овозлар...“

Ўзининг намунали иши блан шуҳрат қозонган Сирдар'ё 2-нчи МТСи бу йилги кўкламга тайёргарликсиз кирди. Март ойининг биринчи ярмида 31 та ҳайдов тракторлари тўла ремонтдан чиқарилмади. «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 18 март сонида «Минбардан эшитилган овозлар...» сарлавҳали мақолада 2-нчи МТСдаги ана шунга ўхшаш кўпгина камчиликлар танқид қилинган эди.

Ўзбекистон КП Сирдар'ё район комитетининг секретари ўртоқ Каримовнинг редакциямизга хабар қилишича, мақола 2-нчи МТС партия ташкилотининг очиқ партия йиғилишида муҳокама қилинган ва газетада келтирилган камчиликларни тез вақт ичида бартараф қилиш тадбирлари белгиланган. Партия йиғилишидан кейин МТС трактор паркини кўклам чигит экиш кампаниясига тайёрлаш ҳартарафлама кучайтирилган. МТС механизаторлари ўзлари хизмат қилаётган колхозларда чигит экишни тез вақт ичида тамомлаш ва ғўзани сифатли парвариш қилиш мажбуриятини олганлар.

Аҳолига кўп ва юқори сифатли пойафзал етказиб берамиз

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқимизнинг моддий ва маданий турмуш даражасини тобора яхшилаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Аҳолининг турмуш даражаси яхшиланган сари унинг кенг исте'мол молларига бўлган талаби тобора ортиб бормоқда. Партия ва ҳукумат саноат корхоналари коллективлари олдига кенг исте'мол моллари ишлаб чиқаришни ва уларнинг ассортиментини кўпайтириш, сифатини кескин суратда яхшилаш вазифасини қўйдилар.

Тошкент 1-нчи пойафзал фабрикасининг коллективи ана шу шарафли вазифани бажаришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда. Корхона ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари ишлаб чиқариш процессларини тобора такомиллаштириш, мавжуд механизм ҳамда асбоб-ускуналардан рационал фойдаланиш, меҳнатни ташкил этишни яхшилашнинг янгидан-янги формаларини қидириб топиш ва уларни амалда татбиқ этиш соҳасида бирмунча ишлар қилдилар. Корхона ма'мурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари коллективнинг ижодий ташаббусини ҳамда меҳнат соҳасидаги ғайратини давлат планларини тўла ва ошириб бажаришга сафарбар этмоқдалар.

Фабрика коллективи меҳнаткашлар учун тобора кўплаб юқори сифатли турли хил пойафзаллар етказиб бериш мақсадида москвалилар ташаббусига қўшилди. Меҳнатсевар ишчилар, инженер-техник ходимлар ўз имкониятларини ҳартомонлама ҳисоблаб, бешинчи бешйиллик программасини муддатидан олдин бажариш тўғрисида қуйидагича оширилган мажбуриятни қабул қилганлар:

Ялпи маҳсулот ишлабчиқариш планини 15 ноябрьда тугаллаш;

Меҳнат унумдорлигини 1954 йилга нисбатан 5 процент ошириш;

Рантли пойафзал ишлаб чиқаришни ўтган йилги миқдордан 300 минг жуфт кўпайтириш;

30 хил янги оёқ кийим моделини ишлабчиқаришни ўзлаштириш;

Шу бешйиллик ичида 15.260 минг дециметр тери тежаб, ундан 430 минг пар пойафзал тайёрлашга эришиш.

Бу мажбуриятни муваффақият блан бажариш учун фабрика ма'мурияти ишлабчиқариш илғорлари блан биргаликда қатор ташкилий-техник тадбирларни амалга оширади. Кунига 2400 пар пойафзал ишлабчиқариш қувватига эга бўлган рант цехи монтаж қилиб бўлинди; яқин кунларда 5-нчи тикувчилик цехида ва бошқа бирқанча участкаларда ишни узлуксиз поток усулида ташкид қилишга ўтилади.

Бизнинг коллектив ҳар йили ўз зиммасига олган мажбуриятини муваффақият блан бажариб келмоқда. Шу бешйилликнинг ўтган 4 йили мобайнида биз планга қўшимча равишда 19 миллион 227 минг сўмлик маҳсулот ишлаб бердик. Шунингдеқ, 1955 йил 1 квартал плани ҳам ортиғи блан бажарилди.

Маҳсулот ассортиментини кўпайтириш фабрика коллективининг доимо диққат марказида тўрадиган масалалардан биридир. Ма'лумки, исте'молчиларнинг янги-янги, бежирим ва пухта оёқ кийимларига нисбатан талаби кун сайин ортиб бормоқда. Бу талаб блан ҳисоблашиш, уни қондиришга муносиб ҳисса қўшиш учун интилиш бизнинг бурчимиздир. Шуни яхши билган пойафзалчилар ўтган 4 йил ичида 50 хилдан ортиқ янги модель пойафзал ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Қизлар учун «Ўрта пошнали» туфли, эркаклар ва болалар учун таги чармлик полуботинкалар, аёллар учун чети мўйналик ботинка, турли сандалетлар, рантли этик, чувяк, уй ичида кийиладиган туфлилар харидорларга манзур бўлмоқда. Рант цехининг ўзида эркаклар ва болалар учун кунига минг парлаб рантли туфлилар ишлаб чиқарилмоқда.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини камайтириш барча саноат корхоналари коллективлари олдида турган муҳим масаладир. Биз маҳсулот таннархини қанча камайтирсак, давлатимизнинг миллий даромади шунча кўпаяди, бу эса ҳозирги шароитда жуда катта аҳамиятга эгадир. Шуни назарга олиб, фабрика ишчилари, инженер-техник ходимлари пойафзал таннархини камайтириш учун комплекс план тузиб чиқдилар ва бу планни қат'ият блан амалга оширмоқдалар. Технология процессини соддалаштириш ва уни а'ло даражада бошқариш, ортиқча харажатларни ва нобудгарчиликни йўқотиш учун кураш бу планнинг асосини ташкил қилади. Агар 1953 йили ишлаб чиқарган ялпи маҳсулотимизнинг таннархи 774 минг сўм камайтирилган бўлса, ўтган йили ишлаб чиқарган маҳсулотимиз миқдор жиҳатидан анча ортиши блан бирга таннархи салкам 2 миллион сўм камайтирилди. Бундай юқори кўрсатгичга эришишда меҳнат унумдорлигини ошириш учун олиб борилган кураш самарали натижа берди. Кўпгина янги маҳсулот ўзлаштирилишига қарамай корхонада меҳнат унумдорлиги йилма-йил бир ме'ёрда ортиб бормоқда. Буни ўрта ҳисоб блан ҳарбир ишчининг йиллик ишлаб чиқарган маҳсулотининг ўсишини ифодаловчи қуйидаги диаграммада кўриш мумкин:

1951 йил 87.778 сўм
1952 йил 91.744 сўм
1953 йил 93.113 сўм
1954 йил 96.144 сўм

Бундай юқори кўрсаткичга эришишда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ҳарбир ишчининг ўз ишига нисбатан мас'улиятини ошириш, илғор иш методларини кенг қўлланиш учун олиб борилаётган кураш яхши натижа бермоқда.

Ишчи ва инженер-техник ходимларнинг малакасини тинмай ошираборишш, фабрикадаги ва бошқа пойафзалчилик корхоналаридаги илғор иш методларини ўзлаштириш ва кенг қўлланиш — меҳнат унумдорлигини тинмай ошириб боришнинг муҳим шартидир. Бу соҳада анча ишлар қилинмоқда. Кўпгина участкаларда қўл меҳнати талаб қилинадиган процесслар механизациялаштирилди. Масалан, илгари сандали қолинга тортиш қўлда бажарилар эди, ҳозир бу иш машинада қилинмоқда. Бичиш ишларини механизациялаштиришни шу участкада меҳнат унумдорлигини 2 ҳисса ошириш имкониятини берди. Шунингдек, тайёрланган оёқ кийимини қолипдан туширишш ҳам механизациялаштирилиб, иш процесси тезлаштирилди.

Иш жойини рационал ташкил қилиш, я'ни мавжуд ишлабчиқариш майдонидан ҳамда машина ва асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш учун олиб борилган курашда ҳам бирқанча ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, қолинга тортиш цехидаги иш жойлари ихчамлаштирилди.

Механиклар ускуналарнинг ремонтлараро иш муддатини узайтириб, улардан фойдаланишни яхшилашга эришмоқдалар.

Корхонада ишлабчиқаришни ривожлантиришда, техника процессини олга суришда рационализатор ва ихтиро'чилар катта ҳисса қўшмоқдалар. Бешйилликнинг ўтган 4 йилида ишлабчиқаришга 260 рационализаторлик таклифи жорий қилинди. Булардан келадиган йиллик даромад ўрта ҳисоб блан 6 миллион сўмни ташкил қилади. Фақат ўтган йили ишлабчиқаришга татбиқ этилган рационализаторлик таклифларининг ўзи давлатнинг 1 миллион сўмликка яқин маблағини иқтисод қилиш имкониятини берди. Энг яхши рационализаторлардан Исҳоқов, Немцов ўртоқлар иқтисодий жиҳатдан ҳам, ишлабчиқариш маданияти жиҳатидан ҳам жуда қимматли бўлган бирнеча таклифлар киритдилар.

Фабрикада ишлабчиқариш илғорларининг сони кун сайин ўсмоқда. Бешинчи бешйиллик топшириғини бажариб, ҳозир 1956 ва ундан кейинги йиллар ҳисобига ишлаётган ишчилар сони ҳозир 200 дан ортиқдир. Бешйиллик илғорларидан Раҳматуллаев, Аҳмаджонов, Атхамов, Абдураззоқов каби ўртоқлар унумли ва сифатли ишлашда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Маҳсулот ишлабчиқаришни тинимсиз равишда ортдириб бориш, унинг хилини кўпайтирабориш блан бирга сифат кўрсаткичларинг ҳарбир бўлишига ҳам каттта э'тибор бермоқдамиз. Фабрика коллективи технология процессини такомиллаштириш, ҳарбир операцияни а'ло даражада бажариш учун курашни маҳсулот сифатини яхшилашнинг асосий йўли деб билади. Маҳсулот сифати устидан цехларда қат'ий контроль ўрнатилди. Харидорларнинг талабларини пухта ўрганиб, уларнинг айрим э'тирозларини назарга олиб, пойафзалчиларимиз ўз ишларини бирмунча яхшиладилар. Ҳарбир бригада ва участка юқори малакали мастерлар блан та'минланди; цех, участка ва бригадалар ўртасида фақат а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, бракка йўл қўймаслик учун кураш қизитиб юборилди. Аёллар учун ўрта пошнали туфли ва бошқа бирнеча хил оёқ-кийимларнинг чармини ўрнатишда қайноқ вулканизациялаш усулининг қўлланилиши меҳнат унумдорлигини бирнеча хисса ошириш блан бирга сифат кўрсаткичларини ҳам яхшиланишини та'минлади. Сўнгги вақтларда фабрика номига тайёрланаётган маҳсулот сифатига нисбатан жиддий э'тироз билдирилгани йўқ, бу эса бизнинг катта ютуғимиздир.

Шуни ҳам айтиш керакки, қўлга киритилган ютуқлар блан бирга меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва унинг сифатини яхшилаш ҳамда қўл меҳнатини механизациялаш учун кураш ҳали юксак талаблар даражасига кўтарилган эмас. Бирнеча цех ва участкаларда шу пайтгача механизациялаштирилмаган процесслар бор. Ишчилар ва инженер-техник ходимлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақанинг янги-янги формалари кам қўлланилади, ба'зи цехларда эса мусобақа шартномалари амалда бажарилмай қолаётир, уни бажарилиши эса цехкомлар, фабрика касаба союз комитети а'золари томонидан изчиллик блан текшириб борилмайди. Масалан, пойафзалга ип тақиш, ботинка ва туфлилар юзлигининг четини қайириб ёпиштириш, астар бичиш каби ишларни механизациялаш шу пайтгача ҳал қилинмай келмоқда. Бу соҳада фабрика бошқармасининг ҳам айби йўқ эмас, албатта.

Рационализаторлик ва ихтиро'чилик бюросининг ходимлари барча ишчиларнинг техника прогрессини дадиллик блан олга силжитишда актив иштирок этишларини та'минламаган. Рационализаторлик активининг сони оз. Хатто, ба'зи инженер-техник ходимлар ҳам бу муҳим масаладан четда турадилар.

Фабрика ма'мурияти, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг, биринчи галда БРИЗнинг жечиктириб бўлмайдиган вазифаси ишчилар ва инженер-техник ходимлар ўртасида ижодий ташаббускорликни, янгилик яратишга интилучанликни қарқачонгидан ҳам ошириш учун қизғин курашишдан иборатдир.

Шу кунларда корхонадаги цехлар, сменалар ва бригадалар ўртасида майдонда социалистик мусобақаси тобора қизиб бормоқда. Меҳнатсевар пойафзалчилар байрам олдидан меҳнаткашларга планлан ташқари бирнеча минг пар чиройлик, ихчам ва пухта оёқ-кийимлари етказиб бериш учун барча имкониятларини ишга солмоқдалар.

А. КАРИМЖОНОВ.

Тошкент 1-нчи пойафзал фабрикасининг директори.

ПОЛЬША МЕҲНАТКАШЛАРИ В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН ҚУННИНГ 85 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАМОҚДАЛАР

ВАРШАВА, 13 апрель. (ТАСС). Польша Халқ Республикасининг меҳнаткашлари Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 85 йиллигини кенг равишда нишонламоқдалар. Мамлакатнинг шаҳарларида ва қишлоқларида Коммунистик партиянинг ва жаҳонда биринчи ишчи-деҳқонлар давлатининг йўлбошчиси ва асосчиси бўлган Владимир Ильич Лениннинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида суҳбатлар ўтказилмоқда, лекциялар ва доклалар ўқилмоқда.

Пропагандистлар ва агитаторлар Ленин идеяларининг Халқ—Демократик Польшасида янги ҳаёт қуришда тантана қилганлигини конкрет мисоллар блан кўрсатиб бермоқдалар.

Клубларда ва маданият уйларида Ильичнинг ҳаётини, улуғ Ленин ишининг амалга оширилганлигини кўрсатучи виставкалар ва фотомонтажлар очиш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Польша-Совет дўстлиги жамияти клубларида жуда кўп виставкалар очилади.

Польша металлургиясининг гигант корхонаси бўлган ва Янги Гутада қурилаётган, Владимир Ильич Ленин номи берилган металлургия комбинатининг ишчилари ҳамда бинокорлари шу кунларда эўр гайрат блан меҳнат қилмоқдалар. Қурилиш майдонларининг ҳаммасида янги ишлабчиқариш об'ектларини муддатидан олдин битказиб ишга тушириш учун социалистик мусобақа авж олиб кетди. Яқин вақтлар ичида комбинатда иккинчи юмна, янги мартен, кучли прокат стани ишга тушириладн.

Лениннинг 1912—1914 йилларда Польшада бўлганлигини эслатучи жойларга экскурсиячилар жуда кўп келабошладилар, Краковдаги В. И. Ленин музейида ҳамма вақт одам кўп бўлади. Бу ерга мамлакатнинг турли воеводликларидан ишчилар, деҳқонлар, студентлар экскурсия қилиб келмоқдалар. Поронинони, Белий Дунайецни, Нова Таргни ҳам жуда кўп экскурсиячилар келиб кўрди.

22 апрельда Варшавада Владимир Ильич Ленин марказий музейини тантанали суратда очиш маросими бўлади. Поронинодаги Ленин музейи янги экспозиция тайёрламоқда.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ АХБОРОТИ

БЕРЛИН, 13 апрель. (ТАСС). АДН агентлиги Германия Демократик Республикаси (ГДР) Министрлар советининг ахборотини э'лон қилди. Бу ахборотда айтилишича, давлат хавфсизлиги статс-секретариатининг органлари аҳоли кенг доираларининг ёрдами блан кейинги вақтларда жосус-террорчи группаларнинг кўпини қўлга туширганлар. Бу жосус-террорчилар Германия Демократик Республикаси территориясида халққа қарши жиноий иш олиб бориш блан шуғулланганлар. Америка ва Англия жосуслик органларининг, Гелен жосуслик ташкилотининг ҳамда мазкур жосусхоналарнинг Ғарбий Берлиндаги «ваҳшиликка қарши кураш группаси» (К. Г. У.) «эркин юристларнинг тергов комитети», РИАС, Ғарбий Берлин партияларининг шарқ бюролари сингари бўлимларининг агентларидан 521 киши қамоққа олинган.

Агентларни қамоққа олиш вақтида Америкада ясалган 19 та радиостанция кодлари ва шиферлари блан бирликда, шунингдек тўппончалар ва ўқ-дорилар, заҳарлар ҳамда ёндиралиган моддалар, махсус фотоаппаратлар, карталар, сохта паспортлар, сохта озиқ карточкалари, немис эмиссия банкининг ва бошқа мамлакатлар банкларининг валюталаридан иборат жуда кўп пул мусодара қилинган. Бу агентларнинг Германия Демократик Республикасида ва бошқа мамлакатларда жиноий иш блан шуғулланганликларини кўрсатучи муҳим махфий ҳужжатлар, кўрсатмалар ва директивалар қўлга туширинган ёки олинган.

Фактлар шуни кўрсатадики, Америка ва Англия империалистлари Ғарбий Германияда, айниқса Ғарбий Берлинда жосуслик-диверсия ташкилотларининг кенг тармоғини вужудга келтирганлар. Улар Германия Демократик Республикасига диверсантларни ва қотилларни юбориб турмоқдалар. Улар душман қайфиятдаги ва бебурд элементлар орасидан ўзларига агентлар ва зиёнчилар танлаб олмоқдалар. Улар ҳамма воситаларни ишга солиб, Германия Демократик Республикасининг демократик тузумига путур етказишга, унинг ўсиб бораётган иқтисодий қувватига путур етказишга, ГДР аҳолиси орасида ишончсизлик ва хавотирлик кайфиятини вужудга келтиришга уринмоқдалар.

Жосус агентлар кейинги ойлар ичида саноатнинг, қишлоқ хўжалигининг, транспортнинг ва савдо-сотиқнинг муҳим об'ектларида саботаж, диверсия ва бошқа қўпоручилик ишлари ташкил этишга уринганлар.

Германия Демократик Республикасининг ҳукумати, дейилади ахборотда—Германия Демократик Республикасининг марказида бўлган Ғарбий Берлиндаги жосуслик-қўпоручилик ташкилотларининг ҳаммасини дарҳол тарқатиб юборишни талаб қилади. Германия Демократик Республикаси ҳукумати ишчилар, деҳқонлар ва интеллигенциянинг муваффақиятларини, шунингдек аҳолининг ҳаётини, соғлигини ва мол-мулкини империалистик жосусхоналарнинг жиноятқорона ҳамлаларидан ҳимоя қилмоқ учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўради.

СОВЕТ АРМИЯСИ ТОМОНИДАН ВЕНАНИНГ ОЗОД ҚИЛИНГАНИГА ЎН ЙИЛ ТУЛДИ

ВЕНА, 13 апрель. (ТАСС). Совет Армияси томонидан Вена озод қилинган кунга бугун ўн йил тўлди.

«Эстеррейхише фолькстшгме» газетаси бу кунга бағишланган бошмақоласида эслатиб ўтадики, Совет ҳукуматининг Вена озод қилинган кунларда чиқарган баёнотида, гитлерчилар Германиясининг тор-мор келтирилиши Австриянинг мустақиллигини тиклаш деган сўз бўлиши керак, деб уқтириб ўтилган эди. Совет қўшинлари томонидан озод қилинган ва аҳоли яшаб турган ҳамма пунктларда, деб уқтириб ўтади газета, дарҳол маҳаллий идора органлари ташкил қилинди. Вена озод қилингандан кейин кўп ўтмай Австриянинг муваққат ҳукумати ҳам тузилди. Совет ҳукумати бу муваққат ҳукуматнинг танилиши учун Потсдам конференциясида қаттиқ курашди.

Ҳужжатлардан ма'лум бўлишича, ўша вақтда ҳали Австриянинг бирлиги ва мустақиллиги етарли гарантия қилинмаган эди. Ғарбий давлатларнинг муайян доираларида Австрия, Венгрия ва Жанубий Германиядан иборат Дунай монархия давлати тузиш плани бор эди. Совет ҳукумати бу хилдаги ҳамма планларнинг амалга оширилишига қарши чиқди. 1945 йил май ойида И. В. Сталин давлат канцлери Реннер номига ёзилган мактубида Австриянинг мустақиллигини сақлашни қўллаб-қувватлаганлигини айтди. Голибона Совет давлати Австриянинг мустақиллигини тиклашни бутун обрўси блан қўллаб-қувватлади.

1945 йил апрель ойи Австрияда сиёсий ҳаёт тикланган ой, ишчи ва хизматчиларнинг биринчи бирлашган касаба союзи тузилган, Австрия давлати тикланган ой бўлди. Ана шунинг учун, Вена озод қилинган кун байрами — Австрия танилган кун, унинг озодлиги ва мустақиллиги танилган кун ҳисобланади.

Вена магистратининг матбуот бюроси қуйидаги хабарни билдирди: «Совет қўшинлари Венага кириши блан миллий-социалистик ҳукмронликка хотима берилган кунга ўн йил тўлганлиги муносабати блан бугун, 13 апрельда, Халқ боғида, Қизил Армия қўприги ёнида, Сталин майдонида, марказий қабристонда, Матцлейндорф қабристонида, Энгельсплатцда, Штаммерсдорфда, Асперн ва Родаунда совет жангчилари ҳайкаллари ёнига гулчамбарлар қўйилади».

Австрия озод қилинган кунинг ўн йиллигига бағишланган Австрия-Совет дўстлиги ойлигида қатнашмоқ учун бугун Венага совет делегацияси келади. Делегацияга РСФСР Педагогика фанлари академиясининг вице-президенти А. И. Маркушевич бошчилик қилмоқда. Делегация составида ёзучи И. Л. Андронников, РСФСР халқ рассоми С. В. Герасимов, Чет аллар блан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамияти правлениесининг а'зоси Ю. М. Бруничкин, машҳур спортчи Р. М. Жуковалар бор.

Совет денгизчилари швед балиқчиларини ҳалокатдан қутқардилар

СТОКГОЛЬМ, 13 апрель. (ТАСС). Стокгольм газеталари иккита швед балиқчисининг Готланд оролига қайтиб келганлиги тўғрисида ўз мухбирларининг Висбюдан берган хабарларини босиб чиқардилар. Бу балиқчилар кейинги кунларда Болтиқ денгизида ўзларининг моторли елкан қайиғи блан йўқолиб қолган эдилар ва улар қидирилмоқда эди. Балиқчи Виде Якобссон бундай деган: балиқ овлаб юрган вақтимизда моторли елкан қайиқда ёнилги тамом бўлиб қолди ва бизга узоқ вақтгача денгизда қолиб кетишга тўғри келди. Денгизда бахтсиз ҳодисага учраганларни қутқаручи совет дейгизчилари ёрдамга келиб моторли елкан кемани икки марта ёнилги блан та'минладилар ва шу туфайли эсон-омон ўз юртимизга қайтиб келаолдик. Руслар бизни сигаретлар ва гугуртлар блан ҳам та'минладилар. Биз мана шундай дўстона меҳрибонлик учун уларга ташаккур билдирдик. «Руслар денгизда ҳамиша ёрдам берадилар», — деди правардида Якобссон.

ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙ РАНГУНГА КЕЛДИ

ДЕҲЛИ, 14 апрель. (ТАСС). Деҳли радиосининг билдиришича, Осиё ва Африка мамлакатларининг конференциясида қатнашадиган Хитой Халқ Республикаси делегациясининг бошлиғи ХХР Давлат кенгашининг бош министри ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай Рангунга келган. Чжоу Энь-лай Бирмада бироз вақт бўганидан кейин Бандунга жўнаб кетади.

ЭТТЛИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЛОНДОН, 14 апрель. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Форт-Вильямдан (Канада) берган хабарида айтилишича, Англия лейбористлар партиясининг Канадада саёҳат қилаётган раҳбари Эттли митингда сўзга чиқиб, Хитой Халқ Республикасини ҳали ҳам танимаган мамлакатларни халқ Хитойини танишга чақираман, деб айтган. У, Хитой Халқ Республикасига унинг ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида чанкайшичилар томонидан қонунга хилоф равишда эгалланиб турган қонуний ўрни қайтариб берилиши лозим, деган. «Ғарб мамлкатлари блан Хитой ўртасида алоқани қанчалик тез ўрнатаолсак, шунчалик яхши бўлади» деган Эттли.

Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар министрлигининг баёноти

ПЕКИН, 13 апрель. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг билдиришича, Хитой Халқ Республикасининг ташқи ишлар министрлиги кеча қуйидаги баёнотни э'лон қилган:

Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясида қатнашучи делегациясининг а'золари, Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг а'зоси, шунингдек улар блан бирга боручи хитой ва четел мухбирлари (бу мухбирлар конференциянинг боришини ёритишлари керак эди)—жам'и 11 киши «Эйр Индиа интернейшнл корпорейшн» компаниясига қарашли бўлган ва Хитой делегацияси томонидан кира қилинган «Констеллейшн» пассажир самолётида 11 апрельда соат 12 дан 15 минут ўтганида (Пекин вақти блан) Гонконгдан Жакартага учганлар, улар Жакартадан Бандунгга боришлари керак эди. Самолёт Саравакдан (Шимолий Борнео) ғарби-шимолда денгиз устида учиб бораётганида портлаган, ёниб кетган ва денгизга тушган. Самолётда бўлган кишиларнинг тақдири ма'лум эмас.

Ана шу бахтсиз ҳодиса сра ҳам одатдаги авиация ҳалокати эмас, балки Қўшма Штатлар ва Чан Кай-ши махфий агентлари ташкилотлари томонидан самолётдаги кишиларни қасдан ўлдириш ниятида қилинган ишдир. Делегациянинг ана шу а'золари ва мухбирлар жўнаб кетишидан олдиноқ Хитой Халқ Республикаси ҳукуматига шу нарса ма'лум бўлган эдики, Қўшма Штатлар ва Чан Кай-ши махфий агентлари ташкилотлари Хитой делегацияси кирага олган ҳинд самолётларини йўқ қилишга актив тайёргарлик кўрганлар. Уларнинг бундан кузатган мақсади — бош министр Чжоу Энь-лай бошлиқ Хитой делегацияси а'золарини ўлдиришдан ва Осиё ҳамда Африка мамлакатлари конференциясини барбод этишдан иборат бўлган. Шу сабаблан, Хитой Халқ Республикасининг ташқи ишлар министрлиги 10 апрель соат 9 дан 30 минут ўтганида (Пекин вақти блан) Пекиндаги инглиз ишлар вакили канцелариясини бу тўғрида хабарлор қилган эди ва ундан Хитой делегацияси ходимларининг ва мухбирларнинг хавфсизлигини та'минлаш учун Гонконгдаги инглиз ма'мурларининг зарур чоралар кўришини кўзда тутиб, ана шу ма'мурларнинг ёрдамини шунга жалб этишни сўраган эди. Англия ишлар вакили канцелариясининг амалдорлари юқорида айтилган шахслар учаётган самолётнинг қандай авиация компаниясига қарашли экانлигини аниқлаб, бу ҳақда Гонконгдаги инглиз ма'мурларини хабардор қилишга ва'да берган эдилар. Лекин шунга қарамай, Қўшма Штатлар ва Чан Кай-ши махфий агентлари ташкилотлари ўзларининг қора ниятларини амалга оширароолганлар. Англия ҳукумати ва Гонконгдаги инглиз ма'мурлари ана шу бахтсиз ҳодиса учун жиддий жавобгардирлар. Биз, Англия ҳукумати ва Гонконгдаги инглиз ма'мурлари ана шу бахтсиз ҳодиса қандай вазиятда юз берганлигини пухта текширсинлар, шунингдек айбдорлар зиммасига жавобгарликни юклаш учун махфий агентларни, я'ни ана шу ёвуз фитнада қатнашган махфий агентларни қамоққа олсинлар ва қонунга мувофиқ жазоласинлар, деб талаб қиламиз.

Хитой Халқ Республикасининг Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясида қатнашучи делегацияси а'золари ва мухбирларнинг Қўшма Штатлар ҳамда Чан Кай-ши махфий агентлари ташкилотлари томонидан олдиндан мўлжалланиб ўлдирилиши Хитой Халқ Республикасига нисбатан намойишкорона қилинган ашаддий душманлик бўлмогина қолмай, шу блан бирга, Осиё ва Африка мамлакатларининг ўтказиладиган конференциясини барбод этиш мақсадида қилинган фитнадан иборат бир акт ҳамдир. Осиё ва Африка мамлакатларининг конференцияси яқин кунларда очилиши керак. Бу конференцияда Осиё ва Африкадаги 1 миллиард 440 миллион аҳолиси бўлган 29 мамлакатдан вакиллар қатнашади. Осиё ва Африка халқларининг кенг оммаси ва бутун дун'ёдаги тинчликсевар кишилар бу конференцияни қизғин қувватламоқдалар. Қўшма Штатларнинг ва Чан Кай-ши шайкаларининг ҳарқандай ёвуз ниятлари ҳам бу конференцияга халақит бераолмайди ёки уни барбод этаолмайди. Хитой Халқ Республикасининг делегацияси Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясидаги бошқа мамлакатлар делегациялари блан биргалиқда Узоқ Шарқда ва бутун дун'ёда тинчлик учун қат'ий суратда кураш олиб боради. Қўшма Штатларнинг ва Чан Кай-ши шайкаларининг қабих хуружлари тинчлик ва озодлик учун курашда Осиё ҳамда Африкадаги ва бутун дун'ёдаги халқларнинг биргалашиб ҳаракат қилишларини кучайтиради, холос.

Ҳиндистон самолёти аварияга учраганлигига доир

ДЕҲЛИ, 13 апрель. (ТАСС). Ҳиндистон информация бюроси қуйидаги хабарни билдирди: Бош министр Неру Жанубий Хитой денгизи устида 11 апрельда авиация ҳалокати юз берганлиги муносабати блан Хитой ҳукуматига ва ҳамма ҳалок бўлганларнинг қариндошларига чуқур ҳамдардлик ва таассуф изҳор қилди. (Илгари хабар берилганидек, Ҳиндистондаги «Эйр Индиа» компаниясининг Гонконгдан учиб кетган самолёти ҳалокатга учраган эди, бу самолётда команданинг 7 а'зоси ва 11 пассажир бор эди. Пассажирларнинг кўпчилиги Хитой Халқ Республикасининг Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясига бораётган гражданлари эди).

«Бу ҳалокат, — дейилади Нерунинг ХХР ҳукуматига ёзган мактубида, — одатдан ташқари ба'зи хусусиятларга эгадир. Самолёт денгизга йиқилиб тушишдан 10 минут илгари биз ундан одатдаги хабарни олган эдик. Ана шундан кейин кўп ўтмай тўсатдан бирор воқиа юз берган бўлса керак. Бунинг ҳаммасини диққат блан текшириш зарур».

Неру ҳалок бўлганлар орасида Хитой делегациясининг а'золари ҳам бўлганлигидан ачинганлигини билдириб, бундай деб ёзади: «Биз улар блан Бандунгда учрашамиз деб умид қилган эдик. Ҳиндистоннинг энг яхши учучиларининг биридан жудо бўлганлигимиз ҳам роят қайғули бир ҳолдир».

Ҳиндистон алоқа министри Жагживан Рам Чжоу Энь-лайга юборган та'зия хатида бу ҳалокат муносабати блан чуқур қайғирганлигини билдирди. У, эсон-омон қолганларни сўраш ва қутқазиш учун бор куч-қувват сарфланмоқда, деди.

12 апрель кечқурун Деҳлида матбуот учун э'лон қилинган баёнотда Ҳиндистон ҳукумати, бу ҳалокатнинг сабаблари ҳартарафлама текширилади, деб хабар қилди.

„Халқаро миқ'ёсдаги жиддий сиёсий провокация"

(«Жэньминьжибао» газетасининг бошмақоласи).

ПЕКИН, 13 апрель. (ТАСС). «Жэньминьжибао» газетаси «Халқаро миқ'ёсдаги жиддий сиёсий провокация» сарлавҳали бошмақоласида бундай деб ёзади: Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясига бораётган Хитой делегацияси а'золари тушган самолётнинг ҳалокатга учраганлиги оддий авиация ҳалокати бўлмасдан, балки америкали ва чанкайшичи агентлар томонидан пухта тайёрланган ва қастдан уюштирилган ҳалокатдир. Бу — Америка империалистларининг ва чанкайшичи босқинчиларнинг агентлари томонидан махфий суратда қилинган жиддий халқаро провокациядир. Халқаро кескинликни янада кўпроқ қучайтириш ва конференцияни барбод қилиш учун улар Давлат кенгаши бош министри Чжоу Энь-лай бошлиқ Хитой делегацияси а'золарини ўлдирмоқчи бўлганлар. Бу жиноят хитой халқини жуда қаттиқ ғазаблантирди.

Гонконгдаги инглиз ма'мурлари зиммасига катта жавобгарлик юкланади. Биз, деб уқтириб ўтади «Жэньминьжибао» газетаси, Гонконгдаги инглиз ма'мурлари бу жиноятнинг қандай вазиятда юз берганлигини дарҳол текширсинлар, чанкайшичи жиноятчиларни ва уларнинг шерикларини қамоққа олсинлар ва судга берсинлар, деб талаб қиламиз.

Ишончли бўлган мавжуд ма'лумотларга кўра, дейилади сўнгра мақолада, Америка империалистларининг ва уларнинг занжирга боғланган ити Чан Кай-шининг Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясига ва Хитой делегациясига нисбатан тузган планлари анча кенг ва жиддийдир. Америка ва Чан Кай-ши агентлари конференцияни барбод қилиш ва Чжоу Энь-лай бошчилигидаги Хитой делегацияси а'золарини ўлдириш ниятида Индонезияда тайёргарлик ишини кучайтириб юборганлар. Улар Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясини актив қўллаб-қувватлаётган давлатларга дўқ қилиш ва ҳатто Индонезия ҳукуматини ағдариб ташлашга уриниш пайига тушганлар. Америка ва Чан Кай-ши агентларининг Индонезияга суқулиб кириб, буерда тартибсизликлар туғдираётганликлари ва қўпоручилик ишлари олиб бораётганликлари ҳақида Индонезия матбуотида босилган хабарлардан кўриниб турибдики, Тайваньни оккупация қилиб олган Америка агрессорлари ва чанкайшичилар тўдаси Осиёдаги бутун бир районга жиддий таҳдид қилибгина қолмай, шу блан бирга, Осиёдаги ҳамма мамлакатларнинг дўстлиги ва ҳамкорлигига ҳам ҳавф солмоқдалар.

Осиё ва Африка давлатлари ва бу қит'алардаги мамлакатларнинг халқлари ҳуш'ёрликни оширишлари ва Америка-Чан Кай-ши агентларининг жиноий провокацияларига қақшатгич зарба беришлари лозим. ХХР Давлат кенгаши бош министри Чжоу Энь-лай бошчилигидаги Хитой делегацияси а'золари, дейилади бошмақоланинг охирида, Осиё ва Африка мамлакатларининг Осиёда ҳамда бутун дун'ёда тинчликни ҳимоя қилиш учун чақириладиган конференцияси муваффақиятли ўтиши учун охиригача қат'ият блан курашади, ХХР делегациясининг бу йўлдаги куч-гайратини 600 миллионли бутун хитой халқи тамомила қўллаб-қувватламоқда.

Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясида қатнашучи Хитой делегациясининг состави

ПЕКИН, 13 апрель. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий қўмитетининг қарорига мувофиқ, Хитой Халқ Республикасининг раиси Мао Цзэ-дун Давлат кенгашининг бошлиғи ва ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лайни Осиё ва Африка мамлакатлари конференциясига Хитой Халқ Республикасидан борадиган делегацияга бошлиқ қилиб тайинлади.

Раис Мао Цзэ-дун Давлат кенгаши бошлиғининг ўринбосари Чэнь Инни, ташқи савдо министри Е. Цзи-чжуанни, ташқи ишлар министрининг ўринбосари Чжан Ханьфуни ва Хитой Халқ Республикасининг Индонезиядаги элчиси Хуан Чженьни делегация а'золари қилиб тайинлади.

Яқинда Тошкент қурилиш техникумини 55 йигит-қиз битириб чиқди. Улардан Г. Чуварин, А. Гражданкина, Қ. Солибеков, И. Нерадов каби ўнларча студентлар қўриқ ва бўз ерларга бориш учун хоҳиш билдирдилар.
Суратда: ўқитучи ўртоқ **Ф. Садатдинов** Қозоғистон ССР, Кўкчетов областидаги қўриқ ва бўз ерларга боручи бир группа ёш қуручиларни қизғин табриклямоқда.
А. Аверьянов фотоси.

Университет студентларининг илмий конференцияси

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети студентларининг XIII илмий конференцияси ўз ишини давом эттирмоқда. Студентлар илмий жамияти а'золари конференцияга олдиндан пухта тайёргарлик кўрилар. Натижада конференция мажлисларида муҳокама қилинадиган илмий доклалар тематикасининг актуал бўлишига ва уларда республикамиз экономикаси, сиёсий, маданий ҳаёти ва фан тараққиётидаги муҳим масалаларни ёритишга эришилмоқда.

Конференциянинг очилишига бағишланган биринчи ялпи мажлисда химия факультетининг II курс студенти И. Ким «Радиактив нурланишни ўрганиш ва тамғали атомлардан фойдаланиш» деган темада кўргазмали доклад қилди. Ялпи мажлис охирида доклад темасига оид «Атом ядроси» деган илмий-оммабоп кинофильм кўрсатилди.

Эртага конференция ўз ишини тугатади. Турли фанлар бўйича 10 та секция мажлисларида физика, химия, биология, тарих, адабиёт ва бошқа фанларга доир темаларда ёзилган 240 дан ортиқ илмий докладлар муҳокама қилинди. Бу докладлар ичида тарих факультети V курс студенти К. Кузденовнинг «Тошкент шаҳри атрофидаги зоналарда чорвачиликнинг ривожлантирилиши», шу факультет V курс студенти В. Живаевнинг «Ўртачирчиқ 2-нчи МТС ида трактор ишлари такнархининг камайтирилишига доир ба'зи бир масалалар», биология-тупроқшунослик факультети IV курс студенти Л. Шмелеванинг «Чигитни квадрат-уялаб экиш усули», химия факультети IV курс студенти Г. Козининг «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш», шарқшунослик факультети IV курс студенти М. Баратовнинг «Тайвань-Хитойнинг ажралмас қисмидир» деган актуал темаларда ёзган илмий докладлари айниқса диққатга сазоворлар.

Бу конференция ҳам ўтган йиллардагидек, университет студентларининг илмий савиясини ошиб бораётганлиги ва фан асосларини чуқур эгаллаётганликларига кўрик бўлмоқда.

М. БЕГАЛИЕВА.

Рус тилини севиб ўрганмоқдалар

Оҳангарон шаҳридаги 10-нчи ўрта мактабда рус тили ўрганиш тўгараги ташкил қилинган. Тўгаракка рус тили ўқитучиси Д. Цой раҳбарлик қилмоқда. Мактабнинг 8,9 ва 10-нчи синф ўқучилари тўгарак машғулотларига актив қатнашиб, улуғ рус тилини севиб ўрганмоқдалар.

Тўгарак а'зоси бўлган ҳарбир ўқучининг қайси синфда ўқишига қараб унга рус ёзучилари ва шоирларининг ҳаёти, ижоди ва айрим асарлари юзасидан доклад тоширилади. Ўқучи докладни ўқитучи Д. Цой раҳбарлигида ёзиб бўлганидан сўнг доклад тўгарак а'золари ўртасида муҳокама қилинади. 10-нчи синф ўқучиси Н. Рўзиматов ва 8-нчи синф ўқучиси Т. Исматов ўртоқларнинг Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» романи ва Н. Гогольнинг «Тарас Бульба» повести ҳақида ёзган докладлари ўқучилар ўртасида қизғин муҳокама қилинди. Ана шундай муҳокамалар мактабда тез-тез ўтказиб турилмоқда. Рус тилини муваффақиятли ўрганиш мақсадида 10-нчи синф ўқучилари ҳафтанинг сешанба ва шанба кунларини «Рус тили куни» деб атайдиган бўлдилар. Улар шу кунларда бир-бирлари блан фақат рус тилида гапиришадилар.

Шаҳардаги бошқа мактабларнинг юқори синф ўқучилари ҳам рус тилини севиб ўрганмоқдалар.

С. НУРУЛЛАЕВ.

Бошқаларга намуна бўлмоқдалар

ВЛКСМ Марказий Комитетининг қора металл парчаларини йиғиш тўғрисида ёшларга қарата чиқарган чақириғидан илҳомланган Чиноз районидаги 3-нчи ўрта мактабнинг ўқучилари темир-терсак йиғиш ишларини қизитиб юбориб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Шу йил 1 апрельгача мактаб бўйича 22 минг килограммдан ортиқ қора металл парчалари тўпланди. Комсомол ўқучиларидан А. Хабибуллаев, Т. Халилов ўртоқларга темир-терсак йиғишда актив иштирок этганлари учун Тошкент область комсомол комитетининг Фахрий ёрлиги берилди.

Ҳозир бу мактаб қора металл парчаларини тўплашда республика бўйича иккинчи ўринда бормоқда. Шунингдек, райондаги Каганович номли мактабнинг ўқучилари ҳам темир-терсак йиғиш ишларини авж олдириб юбордилар.

М. МИРСОАТОВ,
Т. ДЎСАНОВ.

Милицияга ёрдам бригадаси а'золарининг йиғилиши

Шу йил 12 мартда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри биносида милицияга ёрдам бригадалари актив а'золарининг шаҳар милиция ходимлари ҳамда комсомол активи блан биргаликдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда доклад қилган Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри ўртоқ Бобожонов шаҳарда жамоат тартиби қоидаларининг бузилишига қарши олиб борилаётган ишларнинг ҳозирги аҳволини батафсил характерлаб берди. Ўртоқ Бобожонов милиция органларига бундан кейин ҳам активроқ ёрдам кўрсатиш соҳасида милицияга ёрдам бригадаси а'золари олдида турган вазифаларга ҳам муфассал тўхталиб ўтди.

Докладдан кейин милиция органларига актив ёрдам кўрсатган кўпгина бригада а'золари Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрининг қимматбаҳо совғалари ҳамда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва шаҳар комитетининг фахрий Ёрлиги блан мукофотландилар.

Йиғилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Абдураззоқов ва шаҳар комсомол комитетининг секретари Абдунабиев ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб, мукофотланганларни қизғин табрикладилар.

Йиғилиш қатнашчиларига Навоий номидаги опера ва балет театри артистлари ва Тошкент шаҳар милиция бошқармаси бадиий ҳаваскорлар тўгараги иштирокчилари ижросида катта концерт қўйиб берилди.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво бироз булутланиб турса ҳам, ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Температура 8-12 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/IV да **Юрак сирлари**, 16/IV да **Отелло**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Бешёғочдаги янги бинода) — 15/IV да **Тоҳир ва Зухра**, 16/IV да **Концерт**.

«РОДИНА», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» кинотеатрларида — кундуз ва кечқурун: 1) бадиий фильм **Надежда**, 2) ҳужжатли фильм **Аргентинадан Мексикагача**.

НАВОИЙ номли кинотеатрда — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Тоғ қўшиқлари**.

«ИСКРА» кундуз ва кечқурун **Сорентога қайтиб кел**, 3-нчи залда кундуз соат 4 — 20 минутда **Индонезия бўйлаб**.

«ЁШ ГВАРДИЯ», — эрталаб **Мультипликацион фильмлар**, кундуз **Индонезия бўйлаб**, кечқурун **Тоғ қўшиқлари**, кеч соат 10 да **Ромео ва Жульетта**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, кеч 8 ва 10 да: 1) **Надежда**, 2) **Индонезия бўйлаб**, кундуз 4 ва кеч 6 да **Икки бригада**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Бугун
3 бўлимда
ЦИРК ТАМОШАЛАРИ.
РСФСРда хизмат кўрсатган артист **М. Н. Туганов** раҳбарлигида
«ДОНДА»
деган чавандозлик-спорт аттракционининг давоми.
Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуш бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими —132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 04814. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № А — 1413.